Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎZBEKISTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 27 сентябрь, сешанба № 147 (21.751). Сотувда эркин нархда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ «ЎЗОЗИҚОВҚАТСАНОАТ» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОНЦЕРНИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳолига сотишни кўпайтириш, ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат моллари билан истеъмол бозорини тўлдириш, озиқ-овқат саноати корхоналари ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш-хўжалик соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш асосида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон «Ўзозиқовқатсаноат» Давлат-акционерлик концернини қайта ташкил этиш ва унинг негизида юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган қуйидаги мустақил хўжалик тузилмалариии ташкил қилиш тўғрисида озиқ-овқат саноати корхоналари ва ташкилотлари жамоаларининг таклифлари қабул қилинсин:

ёғ-мой ва тамаки саноати корхоналарининг «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси;

кондитер, чой ва пиво, спиртсиз ичимликлар саноати корхоналарининг «Озиқовқатсаноат» уюшмаси.

2. Ўзбекистон «Ўзозиқовқатсаноат» Давлат-акционерлик концерни тизимига кирган давлат корхоналари ва ташкилотлари очиқ типдаги акционерлик жамиятларига айлантирилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси мой ва тамаки хомашёсини, ҳарид қилиш, ўсимлик ёғи, маргарин маҳсулоти, совун ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ҳамда ташкилотларни ихтиёрийлик асосида бирлаштиради;

«Озиқовқатсаноат» уюшмаси эса кондитер маҳсулотлари, чой, пиво, спиртсиз ичимликлар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотларни ихтиёрийлик асосида бирлаштиради.

4. Уюшмалар зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

**«ЁҒМОЙТАМАКИСАНОАТ» УЮШМАСИ ЗИММАСИГА**

Интеграциянинг бозор шаклларини ривожлантириш, рақобатга бардошли маҳсулотни ўзлаштиришга кўмаклашиш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш, ёғ-мой маҳсулотининг экологик жиҳатдан соф ва сифатли турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида қўшма корхоналар барпо этиш;

замонавий техника, технология ва илғор тажрибани жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнининг барча босқичларида чиқиндисиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва нобудгарчиликнинг олдини олиш;

уюшма таъсисчиларига маркетинг хизматини таъминлаш, турдош корхоналар билан тижорат қоидаларига асосланган бевосита кооперация алоқалари ўрнатиш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишни кўпайтириш;

**«ОЗИҚОВҚАТСАНОАТ» УЮШМАСИ ЗИММАСИГА**

Четдан келтириладиган хомашё ва моддий-техника ресурсларини улгуржи харид қилиш ва уюшма қатнашчиларига сотиш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва импорт маҳсулотлар ўрнига ўзимизда шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

фаолият кўрсатишнинг бозор шароитларида уюшма корхоналари ва ташкилотларига ишни ташкил этишда, уларни мулкчиликнинг хусусий ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларига айлантиришда кўмаклашиш;

озиқ-овқат хомашёси ва маҳсулоти ташқи бозоридаги ўзгаришларни ўрганиш, фирма савдосини ривожлантириш, хорижий шериклар билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва бундай алоқаларни кенгайтиришга, қўшма корхоналар ва ишлаб чиқаришларни ташкил этишга доир тадбирларни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

6. Озиқ-овқат саноатининг «Ўзозиқовқатсаноат» концернини озиқ-овқат саноатининг Ўзбекистон «Ўзозиқовқатсаноат» Давлат акционерлик концернига айлантириш тўғрисида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 майдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

**Тошкент шаҳри, 1994 йил 26 сентябрь**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### Н. А. СЕМАШКО НОМИДАГИ ТИББИЙ ТИКЛАНИШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада соғлиқни сақлаш, тиббиёт фанини ривожлантириш ва юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш ҳамда халқ саломатлигини муҳофаза қилишда самарали даволаш усулларини қўллашга салмоқли ҳисса қўшаётгани учун Н. А. Семашко номидаги тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий текшириш институти Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

**Тошкент шаҳри, 1994 йил 26 сентябрь**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### Н. А. СЕМАШКО НОМИДАГИ ТИББИЙ ТИКЛАНИШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришдаги намунали хизматлари ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишга муносиб ҳисса қўшаётгани ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»**

**Йўлдошева** Сайёра Назаровна — бўлим мудири.

**Умарова** Холидахон — болалар бирлашмасининг раҳбари

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ**

**Алнохунова** Мавжуда Юсупохуновна — бўлим раҳбари

**Аҳророва** Холида Саидкаримовна — бўлим мудири

**Зубкова** Лидия Зокировна — ҳамшира

**Мусаева** Матлуба — катта ҳамшира

**Раҳматуллаев** Ҳамидулла Убайдуллаевич — катта илмий ходим

**Суяров** Холиқберди — бўлим мудири

**Торкина** Екатерина Степановна — шифокор

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

**Тошкент шаҳри, 1994 йил 26 сентябрь**

## Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг сессияси

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн еттинчи сессияси бўлди. Унда ўн иккинчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг ҳисобот давридаги иши ва Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Олий Кенгашининг XVI сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг раиси У. Аширбеков маъруза қилди.

Сессия «Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғы Кенеси тўғрисида» Конституциявий низом қабул қилди. Биринчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғы Кенесига ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига сайлов 25 декабрга белгиланди. Муҳокама этилган бошқа масалалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров нутқ сўзлади.

**(ЎзА).**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА

«Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 63 ва 72-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Бурҳонов Эшондада Убраимович
Йўлдошев Эркин
Собиров Мухторжон
Тоғаев Қўчқор Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг судьялари этиб сайлансин.

2. Аҳмеджонов Абдуҳамид Абдураҳмонович бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг судьяси ваколатлари тугаган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.**

**Тошкент шаҳри, 1994 йил 23 сентябрь**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ АЙРИМ СУДЬЯЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 72-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Қуйидагиларнинг ваколатлари тугатилган деб ҳисоблансин:

Свиридов Юрий Иванович — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари, берган аризасига биноан;

Годяев Георгий Геннадьевич — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси, республикадан жўнаб кетганлиги муносабати билан.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.**

**Тошкент шаҳри, 1994 йил 23 сентябрь**

## ЎЗБЕКИСТОН КАТТА ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА

26 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида халқаро валюта жамғармаси билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Халқаро валюта жамғармасининг II Европа департаменти директори ўринбосари Эдуард Брау Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни кўплаб хорижий мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг диққат марказида турганини таъкидлади.

— Халқаро валюта жамғармаси республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот жараёнларини ва Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаб, янада яқинроқ ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга интилмоқда,— деди Э. Брау.— Ўзаро келишувга асосан яқин вақт ичида ҳамкорлик ҳақидаги битим имзоланади. Ўзбекистонда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, мамлакатда тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётгани бизнинг ҳамкорлик сари интилишларимизга кенг йўл очмоқда. Жамғармамиз иқтисодий ислоҳотлар жараёнини тезлаштириш мақсадида, Ўзбекистонга 140 миллион доллар миқдорида маблағ ажратмоқчи.

Шунингдек, меҳмон Ўзбекистоннинг бирор давлатдан қарздор эмаслигини, бу эса республика раҳбарининг иқтисодий ва молиявий сиёсат соҳасида аниқ режаларга асосланиб пухта иш юритаётганининг натижаси эканини мамнуният билан қайд этди.

Э. Брау журналистларни қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб қайтарди.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов ва жамғарманинг Ўзбекистондаги вакили Иштван Цалкан иштирок этди.

**(ЎзА).**

**23 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Маълумки, шу йилнинг 25 декабрь кунига белгиланган мазкур сайловлар амалдаги тегишли қонунларга биноан кўппартиялилик асосида ўтказилади. Шу муносабат билан таҳририят мамлакатимизнинг энг йирик ва нуфузли сиёсий ташкилоти — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди:**

## МАҚСАДИМИЗ— ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА!

**— Абдулҳафиз Мараҳимович! 12-чақириқ Олий Кенгашининг XVI сессияси ҳақидаги умумий тасаввурингиз қандай ва унинг аҳамиятини Сиз нималарда кўрасиз?**

— Сессия мустақил Ватанимиз тарихий тақдири ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бўлган қатор масалаларни кўриб чиқди, тегишли қонунлар ҳамда қарорларни қабул қилди. Ҳал қилинган, кўриб чиқилган масалаларнинг салмоғи жиҳатидан олиб қаралганда, Олий Кенгашнинг кейинги қарийб беш йил мобайнида фаолият кўрсатган сессиялари ичида ушбу сессиянинг ҳам ўз ўрни, бетакрор қиёфаси бор. Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сессияда сўзлаган ёрқин нутқи, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, унинг марказий воқеаси сифатида намоён бўлди. Юртбошимиз жамиятимизда тарихий бурилишга асос солган Олий Кенгаш ваколати даври, мустақиллигимизнинг 3 йиллик тарихи ўзаро уйғунлашиб кетганлигини, давлатчилигимиз, иқтисодий ислоҳотлар ва, умуман, янги ҳаётимизнинг муҳташам биносига тамал тошларини қўйган парламент ўз вазифасини шараф билан адо этганлигини қайд этиб, унинг фаолияти туфайли эришилган ютуқларга, мустақиллигимиз муносабати билан бошлаб юборилган олийжаноб ишларни ниҳоясига етказишда самарали иштирок этишга барча ватанпарвар фуқароларимизни даъват этди. У халқимизни, раҳбар ходимларни, илм-фан аҳлини олдимизда турган мураккаб вазифаларни уддалашнинг йўл-йўриқлари билан қуроллантирди.

Ўзбекистоннинг бундан кейинги тараққиёти, кўп жиҳатдан, мамлакатимизнинг энг юқори вакиллик идораси — Олий Мажлисга боғлиқ бўлади. Яъни, бугунги кунда гап Ватанимизни милоднинг 3-минг йиллиги бўсағаси — 2000-йилга қандай қиёфада боришига дахлдор қарорлар қабул қиладиган олий қонунчилик ҳокимиятини шакллантириш устида бормоқда. Бу ҳол юртимизнинг энг нуфузли сиёсий кучи—Ўзбекистон Халқ демократик партияси, унинг ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Зеро, сайловларнинг, Президентимиз таъкидлаганидек, кўппартиялилик асосида ўтказилиши бугун ҳеч кимга сир эмас.

**— Бундан келиб чиқиб, Сизнингча, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг биринчи галдаги вазифалари нималардан иборат?**

— Партиямиз, унинг ташкилотларининг сайловолди вазифалари, қабул қилинган таомилларга кўра, тегишли сайланма раҳбарлик органларимиз томонидан белгиланади. Мен, ҳозир, бунга оид айрим, исбот талаб қилмайдиган вазифаларимиз хусусидагина гапиришим мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари, ходимлари яқинлашиб келаётган сайловларнинг (халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ҳам) бутун ижтимоий ҳамда шахсий ҳаётимиз учун тақдиримиз ва ҳамма ишларимиз учун ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор чуқур англамоқлари, ҳис этмоқлари зарур.

Иккинчидан, барча даражадаги ташкилотларимиз, бутун партиямиз ўзининг бор куч ва имкониятларини аниқ ҳисоблаб чиқишлари ҳамда уларни сайловлардан кўзлаётган бирдан-бир мақсадимиз — ишончли ғалабага эришишга йўналтиришнинг чора-тадбирларини кўришлари лозим.

Учинчидан, давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий вакиллик идораларига сайловлар тўғрисидаги қонунларда кўзда тутилган муолажавий масалаларни рисоладагидай ҳал этилиши биздан катта миқёслардаги ташкилий-сиёсий ва мафкуравий ишларни амалга оширишни талаб этади. Буларни уддасидан чиқмай туриб, биз сайловлардан ўзимиз учун кутаётган натижалардан умид қилмасак ҳам бўлади. Ўйлайманки, 370 мингдан зиёд аъзоси, 200 дан ортиқ вилоят, шаҳар, туман кенгашлари, 12 мингдан кўпроқ бошланғич ташкилотлари, тажрибали ходимлари, элга машҳур арбоблари бор партиямиз буларнинг уддасидан албатта чиқади.

Тўртинчидан, биз депутатликка номзодларнинг бехато танланишларини ташкил эта билишимиз керак. Уларни, И. А. Каримов айтгандек, фақат элим деб, юртим деб, ёниб яшайдиган кишилар тоифасидан сайлаб олмоқ керак. Президентимиз, партиямиз Раиси сиёсатига содиқлик, ислоҳотлар йўлида фидоийлик, миллий истиқлолимиз истиқболларини мумкин қадар тезроқ яқинлаштиришга ҳисса қўшишга қатъий аҳду паймон қилганлик, эл-юрт орасида ўзининг ҳалол-поклиги билан обрў-эътибор қозонганлик депутатликка номзодларга нисбатан қўйидиган талабларимиздан энг муҳимларидирлар.

**— Абдулҳафиз Мараҳимович! Сайловларнинг қандай аниқ натижалари Сизнинг партиянгизни қониқтирган бўларди?**

— Сайловларнинг ишончли ғалабамиздан далолат берувчи ҳар қандай аниқ натижаларигина бизни қониқтириши мумкин. Биз ғалабага осонликча эришиш ниятида эмасмиз. Сайловларнинг кескин кураш вазиятида ўтиши турган гап, албатта. Маълум ва машҳур аждодимиз Амир Темурнинг, курашсиз эришилган ғалаба-ғалаба эмас, деган сўзлари биз учун алоҳида маъно ҳамда мазмунга эга.

Маълумки, бизда тамал тошлари қўйилаётган демократик жамият осмондан тушадиган инъом-эҳсон ёки кимнингдир биргина ишораси билан таркиб топадиган ҳодиса бўлмай, у, амалий жиҳатдан, узлуксиз бир жараёндир.

Сиёсий партия сифатида, биз талай ижобий ишларни рўёбга чиқарганлигимизга қарамай, кейинги уч йил давомида ҳамма кўзлаган мақсадларимизга ҳам эришдик, дея олмаймиз. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллик идораларига кўппартиялилик асосида ўтказиладиган сайловларда иштирок этишга, уларда ўзининг том маънодаги тарафдорлари бўлишлигини таъминдаш чора-тадбирларини кўришга биринчи маротаба киришмоқда. Бўлажак сайловларнинг биз кутаётган натижалари партиямиз иқтисодий, ижтимоий, маънавий сиёсатини изчил амалга оширилишининг зарур мурватларини яратмоғи лозим. Улар орқалигина партиямизнинг Президентимиз, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримов олиб бораётган кўп қиррали фаолиятнинг мустаҳкам сиёсий таянчига айланмоғи мумкин бўлади. Жаҳоннинг ривожланган, жумладан, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг тажрибаси президент билан парламент ўртасидаги ўзаро мутаносиблик давлатчиликдаги сиёсий яхлитликнинг муҳим омили эканлигидан етарли далолат бермоқда.

Бунга бизда фақат Президентимиз Раиси бўлиб турган партиямиз вакилларининг Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида кўпчиликни ташкил этишлари асосидагина эришиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, Конституциямизга мувофиқ, кўппартиялилик негизида ўтказиладиган сайловларнинг натижалари парламент ва маҳаллий ҳокимият идоралари таркибида ҳам ўз ифодасини топмоғи зарур. Яъни, сайловлар кўппартиялилик асосида ўтказилди, деб олиш учун барча даражадаги сайланма идоралар таркибида сиёсий партиялар вакилларининг жами миқдори мутлақ кўпчиликни, уларда ҳокимият тепасига келди, деб айтилишга молик партиянинг улуши эса, энг камида, оддий кўпчиликни ташкил этмоғи тақозо этилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамиятимизда тутган жиддий мавқеи, унинг Раиси — мамлакатимиз Президенти эканлигининг биз учун юксак масъулиятидан келиб чиқадиган бўлсак, бизни фақат ва фақат ишончли ғалаба, вакилларимизни эса Олий Мажлис, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида кўпчиликни ташкил этишларигина қониқтириши мумкин. Бунинг учун биз, қонун доирасида, қўлимиздан келган барча хатти-ҳаракатларни қиламиз. Айни пайтда, бу сиёсий муҳолифларимизнинг «Ўзбекистонда демократик Конституция қабул қилинган бўлса-да, аммо у ишламаётибди», деган асоссиз даъволарига берган самарали жавобимиз бўлади.

Халқимизнинг, давлат мустақиллигимиз шароитида биринчи маротаба мазкур асноларда ўтказилаётган сайловлар бойс қилаётган орзу-умидлари, диёримизда ижтимоий адолат, инсонпарварлик ғояларига таянган жамият қуришнинг олий манфаатлари, умумбашарий ва миллий демократик қадриятлар анъаналари бизни худди мана шу йўлдан ҳеч ҳам оғишмай кураш олиб боришга ундамоқда, чорламоқда.

**— Суҳбатингиз учун раҳмат. Сизга ва партиямизга омад ёр бўлсин!**

— Ташаккур. Айтганингиз келсин!

## • Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмида

## ОБУНАНИ УЮШТИРИШ—МУҲИМ СИЁСИЙ ИШ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг партиямиз нашрларига 1995 йил учун обунани ташкил этиш соҳасидаги вазифалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Тузилганига уч йил тўлиши арафасида турган мустақиллик фарзанди — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг оёққа туриши, мамлакатимизнинг нуфузли сиёсий кучига айланишида партиямиз матбуоти, хусусан, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг салмоқли улуши бор, дейилади ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда.

Ислоҳотларнинг янги босқичида партиямиз ташкилотлари олдига янги масъулиятли вазифалар қўйилиши, чунончи, республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлар маҳаллий кенгашларига бўлажак сайловлар муносабати билан матбуотимизнинг аҳамияти янада ортади. Шу боис «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига 1995 йил учун обунани ўтказишга партиямиз ташкилотларидан жуда катта эътибор бериш талаб қилинади.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми шуларни назарда тутиб, 1995 йилга партиямиз газеталарига обунани уюштиришни барча даражадаги партия ташкилотларининг муҳим сиёсий иши деб ҳисоблайди ва бу борадаги ташкилотчилик, тарғибот ва ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйишни, обунанинг бориши ҳақидаги масалани вақти-вақти билан муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриб боришни тавсия этди.

Сиёсий ижроқўм ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, иқтисодий аҳволи ночор фуқаролар, фахрийлар, нафақахўр партия фаолларини йирик ташкилотлар, бақувват хўжаликлар, ҳомийлар ҳисобидан бепул обуна қилиш амалиётини давом эттиришни мақсадга мувофиқ, деб топди.

Партия нашрларининг таҳририятларига обунани ташкил этиш масалалари билан бевосита шуғулланиш, обуначилар сафини кўпайтиришга ёрдам берадиган оммавий-ташкилий тадбирларни, жумладан, газетхонлар билан учрашувлар, ўқувчилар конференциялари, матбуот кунларини режа асосида юқори савияда ўтказиш тўғрисида тавсия берилди.

## ЎЗХДП НАШРЛАРИГА 1995 ЙИЛ УЧУН ОБУНАНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗГАН ТАШКИЛОТЛАР ВА ФАОЛЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми партиямиз нашрларига 1995 йил учун обунани намунали ўтказган партия ташкилотлари ва фаолларни рағбатлантириш мақсадида мукофотлар таъсис этди. Булар:

1. Обунани ўтказишда энг юқори кўрсаткичларга эришган Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари учун:

— биринчи ўринга 1 та биринчи,
— иккинчи ўринга 1 та иккинчи,
— учинчи ўринга 1 та учинчи мукофот.

Биринчи ўринни эгаллаган партия вилоят кенгаши Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Фахрий Ёрлиғи ва 1000 (бир минг) сўм;

Иккинчи ўринни олган партия вилоят кенгаши Ўзбекистон ХДП МКнинг Фахрий Ёрлиғи ва 750 (етти юз эллик) сўм;

Учинчи ўринга сазовор бўлган вилоят партия кенгаши Ўзбекистон ХДП МКнинг Фахрий Ёрлиғи ва 500 (беш юз) сўм билан мукофотланади.

2. Обунани ташкил этишда энг яхши натижаларга эришган шаҳар, туман партия кенгашлари учун:

— биринчи ўринга 1 та биринчи,
— иккинчи ўринга 2 та иккинчи,
— учинчи ўринга 3 та учинчи мукофот.

Биринчи ўринни эгаллаган партиямиз шаҳар, туман кенгаши Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Фахрий Ёрлиғи ва 300 (уч юз) сўм;

Иккинчи ўринни эгаллаган партия шаҳар, туман кенгаши Ўзбекистон ХДП МКнинг Фахрий Ёрлиғи ва 150 (бир юз эллик) сўм;

Учинчи ўринга чиққан партия шаҳар, туман кенгаши Ўзбекистон ХДП МКнинг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланади.

Шунингдек, обунани уюштиришда шахсан самаралн ҳисса қўшганларни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотлаш ёки уларга Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг Ташаккурномасини эълон қилиш кўзда тутилмоқда.

**Ўзбекистон ХДП МК Матбуот марказн.**

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигига*

# ТАШАББУСКОРЛИКНИ ҚЎЛДАН БЕРМАЙ

Кейинги пайтда партия аъзоларимизнинг жанговарлиги ва ташаббускорлиги янада ошди. Ўз истакларини билдириб, ишлаб чиқаришда намуна кўрсатиб ишлаётганлар кўпроқ партия сафига кирмоқдалар.

Шаҳар ва туман, бошланғич партия ташкилотларида аъзоликка қабул қилишда кишиларнинг ишчанлиги, ташаббускорлиги, билим савияси, оила ва жамоадаги юриш-туриши, феъл атвори, хулқи ҳам алоҳида инобатга олинянти. Ўтган йили партия сафига 2748 нафар киши янгидан қабул қилинди. Шундан 43,3 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу кўрсаткич 1992 йилдагига нисбатан анча кўп. Шу йилнинг биринчи чорагида 842 нафар янги аъзо партия билан ўз ҳаётини боғлади. Уларнинг ярми 30 ёшгача бўлган ёшлар. Бу соҳада Нукус шаҳри, Тўрткўл ва Чимбой туманлари партия кенгашлари самарали иш олиб бормоқдалар.

Республика партия ташкилоти тарғибот-ташвиқот ишларига ҳам асосий эътиборни қаратмоқда. Шу билан бирга партия ташкилотлари мулкни давлат таассаруфидан чиқариб, уни хусусийлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги Президент Фармонини бажариш ва ҳаётга жорий этишда самарали ишлар олиб бормоқдалар. Айниқса, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида аҳолининг кундалик талаб ва эҳтиёжларини яхшилашга эътибор қаратилмоқда. Овулларга, давлат ва жамоа хўжаликларига саноатни кўчириш, одамларни иш билан таъминлаш, халқ истеъмол молларини кўпроқ ишлаб чиқаришда дастлабки натижаларга эришилмоқда. Тўрткўл, Элликқалъа, Хўжайли ва бошқа қатор туманларда гилам, палос, атлас тўқиш цехлари, кийим-кечак тикиш, дурадгорлик, кулолчилик, қурилиш ашёлари ишлаб чиқарадиган цехлар ишлаб турибди. Натижада қўшимча даромад олишга муваффақ бўлинмоқда.

Республика партия кенгаши ижроия бюросида депутатлар билан ҳамкорликда ишлаётган бир қатор туман партия кенгашлари иш тажрибалари ўрганилди. Элликқалъа тумани партия кенгашининг депутатларга амалий ёрдам кўрсатиш, Қораўзак, Кегайли туманлари партия кенгашларининг маҳаллий ҳокимият уюшмалари билан сиёсий алоқани мустаҳкамлаш бўйича тўплаган иш тажрибалари ижроия бюрода тингланди ва муҳокама қилинди.

Бошланғич ташкилотлар ташаббус кўрсатиб ишлаётганликлари қувончли ҳол. Бир мисол, «Халқобод» пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан юқори синф ўқувчиларига, кам таъминланган оилаларга, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди. Шу заводда ишлаётган ишчиларнинг уйларига табиий газ ўтказиш учун 500 минг сўмдан знёд пул ажратилди. Шунингдек, Нукус туманидаги «Ўрнак» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти хўжалик ҳудудидаги боқувчисини йўқотган ёлғиз кишиларга 23 минг 800 сўм ёрдам берди.

Нукус шаҳар партия кенгаши ҳокимлик билан биргаликда ётоқхоналарни таъмирлаш бўйича кўпгина ишларни амалга оширди. Маҳаллий маблағ ҳисобидан талабаларга иккита стипендия беришга қарор қилинди. ХДП аъзоси бўлган халқ депутатлари билан биргаликда аҳолининг турмуш шароити ўрганилди. 54 ўқувчининг турмуш шароити ночорлиги аниқланди. Уларга ёрдам сифатида шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар партия кенгаши томонидан 1—5-синфларда ўқиётган ўқувчиларга минг сўмдан, 6—11-синфларда ўқиётган ўқувчиларга 2 минг сўмдан стипендия белгиланди. Худди шундай ёрдам Чимбой тумани давлат ва жамоа хўжаликларида яшовчи ўқувчиларга ҳам кўрсатилди.

Саноат, қурилиш транспорт корхоналарида, давлат ва жамоа хўжаликларида партия сиёсий ўқувлари, семинар кенгашлар, давра суҳбатлари, тўгараклар ташкил этиляпти. Машғулотлар шу кунги бозор муносабатларига ўтиб ишлаётган корхоналар, хўжаликларнинг кундалик кўрсаткичлари билан таққослаб ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий кенгашларга сайловлар яқинлашиб келмоқда. Шу кунларда шаҳар ва туманларда, барча бошланғич ташкилотларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини аҳолига тушунтириш ва уни ҳаётга тадбиқ қилиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилоти Ешлар Иттифоқи билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб боряпти.

Республика шаҳар ва туман партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлар, ҳар бир партия аъзоси 1994 йилги режаларни ошириб боришни таъминлашда, ЎзХДП ташкил топганлигининг уч йиллигини муносиб кутиб олишда ташаббус кўрсатиб ишлайверадилар.

**С. ҚУТЛИМУРОДОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши иккинчи котиби.**

# «ВАТАН ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ»

ЮНЕСКО томонидан 1994 йил — Оила йили, деб эълон қилиниши муносабати билан Жиззах шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ХДП Жиззах шаҳар кенгаши ҳамда шаҳар телестудияси «Бахтиёр» кичик корхоналари ҳамкорлигида «Ватан оиладан бошланади» деб номланган кўрик-танлов тадбири ташкиланиб, шартлари ишлаб чиқилди.

Комиссия ҳайъати маҳалла фуқаролари йиғинининг тавсия ва маълумотларига мувофиқ, кўпгина оилаларда бўлиб, уларни ойнаи жаҳон орқали аҳолига таништириб, фикрларини инобатга олмоқдалар. Шу кунгача шаҳримиздаги 28 та маҳалладан қарийб ярми муносиб, деб кўрсатилган оилалар ўрганилди.

Танлов ғолибларини 1-ўрин учун — 500 сўм (1 та), 2-ўрин учун — 300 сўм (2 та), 3-ўрин учун — 200 сўм (3 та) миқдорда пул мукофоти, Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш кўзда тутилган. Ушбу кўрик-танловни уюштиришдан мақсад оилаларни мустаҳкамлаш, ота-она ва фарзанд, ога-ини, қариндош-уруғ орасидаги меҳр-оқибатни, янги оила қурувчи ёшларга намунавий ўрнак кўрсатиш, шунингдек, оила жамиятнинг негизи эканлиги, мустаҳкам оила-мустаҳкам жамиятнинг пойдеворлиги ва Ватанимиз келажаги бўлмиш ёшларни тарбия ўчоғи мана шу ердан бошланиши тўғрисида ташвиқот ишларини олиб боришдан иборат.

**Нуриддин НУРМАТОВ,**
**ЎзХДП Жиззах вилоят кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири.**

Жондор туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ташкил этилган «Жондор — Машраб» ўзбек-афғон қўшма корхонасида кўплаб халқ истеъмоли буюмлари тайёрланаётир. Бу ерда ипакдан гилам тўқиш йўлга қўйилган.

Суратда: илғор ишчилардан Латофат Абдуллаева, афғонистонлик Назира Даврон қизи ва тўқувчи Дилсора Ражабова.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

Қадриятлар

# МАШРАБ ҲОЖИ БЎЛГАНМИ?

**ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Оташнафас шоир Машраб ҳақида турли афсоналар юради. «Қиссан Машраб» китоби боболаримизнинг қўлидан тушмаган. Яқиндан бошлаб шоир таржимаи ҳоли билан қизиқувчилар орасида Машраб Намангоний Ҳажга борганми ё йўқми хусусида баҳслар бошланганди.**

Мўътабар олимлар шоирнинг Ҳажда бўлганлиги ҳақида фикрларини билдирдилар. Яқинда Ғ. Ғулом номидаги Фарғона вилоят адабиёт музейи ходимларидан С. Сотволдиев билан Ҳ. Отажоновлар Машрабнинг Макка ва Мадина шаҳарларида бўлиб, Расулуллоҳ пойқадамини кўзга суртганлиги тўғрисидаги далилга эга бўлишди. Музейдаги қўлёзма тўпламларидан бирида Машрабнинг «Наъти Шоҳ» сарлавҳали муҳаммаси бор экан. Унда шоир ўзининг Ҳаж сафари ва таассуроти ҳақида ҳикоя қилган. Бундан ташқари «Баёзи ҳожи Собирий» тўпламида ҳам Собирийнинг Машраб мадҳига айтган ғазали бўлиб, Собирий Машрабнинг Ҳаж сафарига борганлигини алоҳида таъкидлайди. Шу тариқа шоир чиндан ҳам Ҳаждa бўлганлиги аён бўлмоқда.

**Алишер ИБОДИНОВ.**

# ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Халқ депутатлари Сирдарё туман кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Шавқиддин Мирзаев бошқа ишга ўтгани муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод қилинди. Вилоят ҳокими Ғ. Ҳасановнинг тавсиясига биноан «Малик» давлат хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаб келаётган Эркин Мавлонов туман ҳокими этиб тасдиқланди.

(ЎзА).

# ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ— СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз давлатчилигини барпо этаркан, бошқа мамлакатлар тажрибасини ўрганади, маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда ўша тажрибалардан фойдаланади. Бу ҳол сиёсий устқурмаларини дунё андозаларига мослаётган мамлакатдаги маъмурий-буйруқбозлик ва марказлаштирилган тақсимот тизимидан бозор муносабатларига ўтиш, эркин иқтисодиётнинг қарор топиш даврини анча енгиллаштиради. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, дунё иқтисодиётида ялпи интеграция жараёни кечаётган бир пайтда Марказий Осиё минтақасида ягона иқтисодий макон яратиш, хўжалик алоқаларини ривожлантириш мазкур қийинчиликларни енгиб ўтишда ҳар бир мамлакат учун қулайликлар туғдиради. Буни Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари ўртасида ташкил топаётган алоқалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Иқтисодий интеграция борасида ҳам дунё, айниқса, Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ) тажрибаларини ўрганиш ва минтақа халқларининг муштарак манфаатларига хизмат қиладиган қайта бирлашиш йўлини танлаб олишнинг аҳамияти беқиёс.

Учинчидан эса, Ўзбекистон билан Европа иқтисодиётига аъзо мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш бугунги кунинг асосий вазифаларидандир.

Дунё иқтисодиёти тажрибаларини ўрганиш деганда, аввало, Ғарбий Европа мамлакатларида иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган интеграция жараёни тарихига ҳам бир назар ташлаш зиён қилмайди. Негаки. айрим кишилар, Европа мамлакатлари бирлашаётган бир пайтда СССРнинг парчаланиб кетиши ва унинг ўрнида пайдо бўлган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудида вужудга келган иқтисодий тарқоқликка собиқ марказлаштирилган бошқарув тизимини қайта тиклаб-гина барҳам бериш мумкин, деб ҳисоблайди. Тўғри, мавжуд иқтисодий интеграцияни сақлаб қолиш керак. Бундан фақат Ўзбекистон ёки, собиқ марказ мафкурачилари тили билан айтганда, бошқа миллий республикалар манфаатдор эмас. Бу Россия учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буни айрим рус иқтисодчилари ҳам тан олишмоқда. Хусусан, Н. Ушакова «Мировая экономика и международные отношения» журналининг шу йил 2-сонида чоп этилган «Марказий Осиё республикалари ташқи иқтисодий фаолиятининг янги йўналишлари» мақоласида Россия дунё бозорига чиқа олмагач, яна «яқин хориж» — Марказий Осиёга юз бургани ва бироқ минтақа бозорида бошқа хорижий мамлакатларнинг кучли рақобатига дуч келганини қайд этади. Бинобарин, дезинтеграция ҳамма учун бирдай зарарли. Лекин шуни ҳам тан олиш керакки. Совет ҳокимияти йилларида таркиб топган империяча интеграция халқларни тутқунликда сақлаб туриш воситаларидан бири эди. Буни, айниқса, Ўрта Осиё республикалари собиқ марказнинг хом ашё ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берувчи базасига айлантирилганида ҳам кўриш мумкин. Эътироз билдирувчилар бунга Голландия қишлоқ хўжалигини мисол келтиришга шошилишади. Лекин Голландия ялпи ички маҳсулоти асосий қисмини қишлоқ хўжалиги эмас, аксинча, нефтни қайта ишлаш ва бошқа соҳалардан олинган даромад ташкил этади. Шундан келиб чиққан ҳолда тузилаётган иқтисодий иттифоқни ҳар бир қатнашувчи мамлакат манфаатларига хизмат қиладиган механизмга айлантириш, меҳнат тақсимотини вужудга келтириш билан биргаликда ҳар бир давлат ўз ички ишлаб чиқаришини ранг-баранглаштиришига имкон туғдириб бериш зарур. Бунда ЕИҲ тажрибалари қўл келади.

Шундай қилиб, Европа Ҳамжамияти иккинчи жаҳон урушида бутунлай вайрон бўлиб кетган Германия иқтисодиётини қайта тиклаш, унинг келгуси ҳаётини қайтиб уруш ўчоғи пайдо бўлмайдиган ўзангга бўриб юбориш юзасидан қитъадаги айрим мамлакатлар ҳамкорлиги асосида шаклланди, дейиш мумкин. Қизиғи шундаки, яна бир томондан ЕИҲ вужудга келишида азалдан бир-бирига рақиб бўлиб келган, ораларида азалий ҳудуд можароси мавжуд бўлган Германия ва Франция ўртасида имзоланган шартнома ва битимлар ҳам муҳим омиллардан бири бўлди. Тадқиқотчилар Ҳамжамиятнинг шаклланиш жараёнини уч босқичга бўлишади.

Биринчи босқич (1957—60-йилларнинг охири)да Рим шартномасига қўл қўйилди (1957). Унга кўра, Европада кўмир ва пўлат уюшмаси билан бир қаторда Европа Иқтисодий Ҳамжамияти ҳам тузилди. Кейинчалик тузилган Атом энергетикаси бўйича Европа уюшмаси илгаригилари билан бирлаштирилиб, ўзининг Вазирлар кенгаши ва котибиятига эга бўлди. Илк босқичда бозорни ривожлантириш, умумий савдо-сотиқ сиёсати юргизиш, божхоналар иттифоқи тузиш, мавжуд тўсиқларни бартараф этишга оид амалий тадбирлар амалга оширилди.

Иккинчи босқич (70-йиллар, 80-йилларнинг биринчи ярми)да умумий бозор кенгайди. Ҳамжамиятга яна олти мамлакат аъзо бўлиб кирди. Ҳамжамият доирасида мазкур босқич атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, харидорни ҳимоялаш, пул соҳасида ҳамкорлик ҳамда минтақавий сиёсат юритиш билан характерланади.

Учинчи босқич (80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган)да эса савдо-сотиққа тўсқинлик қилувчи тўсиқларни бартараф этиш, етти йил давомида (1985—1992) иш кучи, сармоя, хизмат кўрсатиш ва товарнинг эркин ҳаракат қилишини таъмин этувчи ягона Европа бозорини ташкил этиш, 1996 йилдан ягона пул тизимини жорий этиш, кейинчалик эса, Европа Марказий банки тузиш ва ягона пул бирлиги — ЭКЮни муомалага киритиш каби масалалар ҳал этилади. Учинчи босқичда эришилган энг катта муваффақиятлар сирасига Маастрихт шартномаси (1987) ҳамда Европа ягона акти (1991)ни киритиш мумкин. Маастрихт шартномаси чегараларни бекор қилиш, ягона ташқи ва ҳарбий сиёсат юргизишни назарда тутади.

Ҳамжамият шаклланишига таъсир этган омиллар тўғрисида гапирганда, дунё иқтисодиётида вужудга келган АҚШ ва Япония каби кучли марказлар. Жанубий-Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги янги саноатлашган давлатларнинг дунё бозорини эгаллай бориши, собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши ҳамда Шарқий Европа мамлакатларидаги сўнгги ўзгаришлар билан боғлиқ жуғрофий-сиёсий эврилишлар, ривожланаётган мамлакатларнинг эса янги иқтисодий тартибни жорий этиш тўғрисидаги талаблари, 90-йилларнинг бошидаги Форс кўрфазидаги уруш оқибатида ёнилғи баҳосининг қиматлашгани ҳамда ГДРнинг ГФРга қўшиб олингани билан боғлиқ иқтисодий тангликни ҳам эслаб ўтмасдан бўлмайди.

Ҳар бир иқтисодий танглик зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг синиши, анъанавий ишлаб чиқариш соҳаларининг қисқариши, янги технологияга асосланган юксак самарали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга туртки бўлади. Ғарбий Европа мамлакатларида 1990-92-йилларда рўй берган, «евросклероз» ёки «европессимизм» деб аталаётган иқтисодий тангликнинг асосий сабаби ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талабнинг пасайиб кетиши билан боғлиқ. Мазкур танглик оқибатида ишсизлик даражаси ортиб кетди.

Айниқса, собиқ СССР бозори учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашган Финляндия иқтисодиёти бундан катта зарар кўрди. Бошқа мамлакатлардаги каби бу ерда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръати сезиларли даражада пасайди. Натижада иқтисодий интеграция миқёсини кенгайтиришга яна бир туртки пайдо бўлди. 1995 йил 1 январидан яна тўртта мамлакат: Австрия, Швеция, Норвегия ва Финляндия Ҳамжамиятга аъзо бўлиб кирмоқчи. Аъзоликнинг асосий шарти рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришга давлат дотациясини камайтириш ва кейинчалик бутунлай бекор қилишдан иборат.

Албатта, ҳар бир иқтисодий иттифоқ унда иштирок этувчиларнинг манфаатларига хизмат қилиши, мавжуд иқтисодий вазият туфайли пайдо бўлган ижтимоий муаммоларни ечишга кўмаклашиши зарур. Ҳамжамиятга аъзо мамлакатлардаги (масалан, Юнонистон, Испаниядаги) энг қолоқ минтақаларни ривожлантириш учун сармоялар ажратиш тўғрисидаги режалар шулар жумласидандир. Бошқача қилиб айтганда, энди қолоқ соҳаларни ривожлантириш истиқболли бўлса, унга дотация берилмайди, аксинча, сармоя солинади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ягона иқтисодий маконнинг вужудга келиши ишлаб чиқариш харажатларини 30 фоиз камайтириш, ялпи ички даромаднинг 5 фоиз ўсишини ҳамда 170 миллиард доллар ёки 250 миллиард ЭКЮ маблағни иқтисод қилиш имконини беради. Бир томондан, бунга Ҳамжамият доирасида ишлаб чиқариш соҳасида бир-бирини такрорлашга йўл қўймаслик билан эришилса, иккинчи томондан, ўртадаги чегараларнинг бекор қилиниши, ягона мудофаа сиёсати юритиш ҳам харажатларни тежашга олиб келади. Бу борада муайян тажриба тўпланган, яъни Ҳамжамиятга аъзо мамлакатларнинг деярли барчаси Шимолий Атлантика ҳарбий блокига аъзодир. Тежалган маблағларни эса, зикр этилганидай, ЕИҲ ҳудудидаги қолоқ минтақаларни, дунё бозорига ўта замонавий харидоргир маҳсулотлар етказиб бериши мумкин бўлган соҳаларни ривожлантириш, дунё иқтисодиётини эркинлаштиришга ёрдам бериш, халқаро меҳнат тақсимотини такомиллаштириш сари йўналтириш мумкин. Чунки Ғарбий Европа мамлакатлари дунё бозорига харидоргир товарлар етказиб бериш, замонавий технология, фундаментал фанлар бўйича АҚШ ва Японияндан ортда қола бошлади.

Масалан, Ғарбий Европа замонавий технологиянинг муҳим 37 соҳасидан иккитаси (компьютерларни программа билан таъминлаш ва маълумотларни қайта ишлаш)да, АҚШ эса 31 тасида, Япония 9 тасида етакчилик қилмоқда. Ваҳолонки, Ғарбий Германиянинг конструкцион материаллар, Франциянинг аэрокосмос, Англиянинг компьютерлар соҳасида ишланмалари Ҳамжамиятдаги бошқа мамлакатларда олиб борилаётган турдош тадқиқотлар билан бирлаштирилса ва бу соҳаларга ЕИҲ доирасида сармоя солиш йўлга қўйилса, пировард натижалар кутилганидан ҳам зиёда бўлиши шубҳасиз.

Оддий бир мисол: «Аэроспасьяль» (Франция), «Мессершмитт-Бёлков-Блам» (ҒФР), «Бритиш аэроспейс» (Англия), «Конструксионес аэронаутикас» (Испания) корхоналари иштирокидаги «Эйрбас индастри» концерни ишлаб чиқараётган аэробуслар техник кўрсаткичларига кўра, АҚШ «Боинг»ларидан қолишмаган ҳолда, дунё бозорида улардан 30-40 фоиз арзон баҳоларда сотилмоқда, Америкалик учоқсозлар ғарбий европалик рақибларини демпинг (маҳсулот баҳосини атайлаб пасайтириб сотиш)да айблашмоқда. Аслида, бу учоқлар таннархининг Америка «Боинг»лар таннархидан арзон эканидан далолат беради.

Ягона иқтисодий маконга бирлашиш осон бўлмаётгани хусусида гап кетганда, дастлаб Буюк Британия Ҳамжамиятга киришга рози бўлмагани, ҳатто 1959 йили унга параллел равишда Европа эркин савдо ташкилотини тузганини ҳам эслаб ўтиш кифоя. Ҳамжамиятга аъзоликдан ким кўп фойда кўради, деган саволга, иқтисодий бақувват мамлакат, деб жавоб бериш ҳам мумкин, бироқ шу ўринда Ҳамжамиятга аъзо мамлакатнинг жуғрофий ўрнини ҳам эсдан чиқариб бўлмайди. Сиёсат бобида ҳам, иқтисодда ҳам дунёда етакчи бўлишга ўрганиб қолган Буюк Британиянинг Ҳамжамиятга «қўшиб олиниши» у ердаги сиёсатдонларга унчалик хуш келмас эди.

Лекин юзага келган тамойилларни тўғри баҳолай оладиган ҳар бир сиёсатдон сиёсий ва иқтисодий воқелик билан ҳисоблашишга мажбур. Маргарет Тэтчер Бош вазир бўлган кезлар, биз мулкни Ҳамжамиятнинг устмиллий сиёсий муассасаларига тобе қилиш учун давлат тасарруфидан чиқарганимиз йўқ, деган бўлса-да, воқеалар ривожига қарши боролмаган эди. Дарвоқе, Ҳамжамиятнинг сиёсий устқурмалари билан миллий ҳукуматлар ўртасидаги ваколатлар тақсимоти энг мунозарали масалалардан бири, десак, янглишмаймиз. Бунинг ёрқин далили сифатида кўпгина мамлакатларда бирлашиш ғоясига қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтгани ёки Ғарбий Европа мамлакатларидан ҳар бирида Ҳамжамиятга аъзо бўлиб кириш учун ўтказилган умумсўровлар силлиқ кечмагани эслаб ўтиш кифоя.

Шунга қарамасдан, эришилган шартнома ва битимларга кўра, Ҳамжамиятни идора этишда «имкон қадар камроқ марказлаштириш, заруриятига кўра кўпроқ марказлаштириш» тамойилига амал қилинаётганини ҳам айтиб ўтиш керак. Шунингдек, минтақаларни ривожлантиришнинг қуйидаги тамойиллари ҳам мавжуд: 1) шерикчилик; 2) субсидиарлик; 3) тўлдирувчилик. Субсидиарликнинг маъноси шундан иборатки, Федерация доирасида муаммони ечиш ваколати у вужудга келган жойдаги муассасаларга берилади, шунингдек, фуқароларга энг яқин муассаса устувор ваколатга эга бўлади.

Хуллас, Ҳамжамият доирасида ягона сиёсат юритиш Ғарбий Европанинг дунё миқёсидаги нуфузини оширади. Хўжалик алоқаларини такомиллаштириш орқали кучли интеграцияни, яъни бир мамлакатнинг иккинчи бир мамлакатга иқтисодий боғлиқлигини кучайтириш ихтилофларни тинч йўл билангина ҳал этиш омили бўлиб қолади. Масалан, бугунги кунда Германия ва Франция ўртасидаги ўзаро боғлиқлик шу даражадаки, келишмовчилик пайдо бўлган тақдирда ҳам бир томон иккинчи бир томонга зиён етказишдан манфаатдор эмас. Негаки, аввало, бундан унинг ўзи зарар кўради. Шундай экан, ўзаро иқтисодий боғлиқлик нафақат Европа ҳудудида, Ғарб ва Шарқ ҳамда Жануб ва Шимол ўртасидаги келишмовчиликларни фақат сиёсий йўл билан ҳал этиш омили бўлиб қолади, яъни дунёда барқарорликка эришишнинг муҳим гарови бўлиб қолади.

Ғарбий Европа Ҳамжамияти андозаси келгусида ягона иқтисодий асосга эга бўлган янги дунё тартиботи вужудга келишига туртки беради. Шу маънода Марказий Осиё мамлакатларидан Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида шаклланаётган ягона иқтисодий макон собиқ Иттифоқ даврида таркиб топган хўжалик алоқаларини сақлабгина қолмасдан, уни янги босқичга кўтаришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Уч давлат раҳбарларининг шу йил 8 июль куни Алмати шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви чоғида Марказий Осиё ҳамкорлик ва ривожланиш банкини таъсис этиш, ягона иқтисодий маконнинг давлатлараро кенгашини тузиш, аҳоли миграцияси тўғрисида битимлар имзоланди. Ҳамкорлик миқёси иқтисодиёт билан бирга сиёсат, маданият, ижтимоиёт, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, қонун чиқариш ва ташқи сиёсат, ҳарбий ва бошқа соҳаларни қамраб олади. Энг муҳими, эришилган аҳдномаларга бошқа мустақил давлатлар ҳам қўшилиши мумкин. Ғарбий Европа мамлакатларидагидан фарқли ўлароқ, Марказий Осиё минтақаси халқларининг диндош, тилдош ва тарихдошлиги, умумий маданияти ва қадриятлари бирлашиш жараёнини тезлаштиришга хизмат қилади.

Дунёдаги жараёнларга назар ташланса, кўпгина минтақаларда иқтисодий, савдо-сотиқ иттифоқлари вужудга келаётганини кузатиш мумкин. ЕИҲдан ташқари Европа эркин савдо ташкилоти, Шимолий Америка эркин савдо ташкилоти НАФТА, Тинч океани минтақасидаги АСЕАН каби халқаро иқтисодий, савдо-сотиқ ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бундай жараён дунёда иқтисодиётни, боя таъкидлаб ўтилганидек, эркинлаштириш ва глобаллаштиришга, меҳнат тақсимотини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Мамлакатимизнинг дунё иқтисодий жараёнига қўшилиш, иқтисодиётни либераллаштириш борасида қўяётган дастлабки қадамлари, айниқса, Ғарбий Европа давлатлари билан ўрнатилаётган алоқалар кучли ижтимоий сиёсатга таянган бозор муносабатларини қарор топтиришни жадаллаштиради. Республика раҳбариятининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари мазкур муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган.

Айниқса, Ғарбий Европадаги Австрия, Нидерландия, Франция, Германия, Буюк Британия каби мамлакатларга сафарлар чоғида имзоланган ҳужжатлар, мустақиллик қўлга киритилгандан кейин Ўзбекистоннинг Европадаги сиёсий жараёнлар (СБСЕ, НАТОнинг тинчлик йўлидаги ҳамкорлик миссияси)да фаол иштирок этаётгани, иқтисодий алоқалар кенгаяётгани фикримизнинг далилидир.

Президент Ислом Каримов шу йил 3 август куни дипломатия корпуси ҳамда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви чоғида ЕИҲга аъзо мамлакатлар билан Ўзбекистон ўртасида таркиб топаётган алоқаларга юксак баҳо берди. Бу бежиз эмас. Европадаги бир қанча мамлакатларнинг етакчи компания ва корпорациялари Ўзбекистонлик шериклари билан қўшма корхоналар тузаётгани, машҳур тижорат банклари Тошкентда ўз бўлинмаларини очиб, иқтисодиётимизга сармоя солишга муносиб ҳисса қўшаётгани, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Оролбўйи минтақасидаги вазиятни соғломлаштириш, инфраструктурани ривожлантириш, илғор технология олиб келиш борасидаги ҳамкорлик шулар жумласидандир.

Шунингдек, маданият, илм-фан соҳасидаги алоқалар ҳам ривожланиб бораётир. Бунга Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда бошқа олий ўқув юртлари билан Ғарбий Европа мамлакатларидаги тегишли муассасалар ўртасидаги дўстона ва ишчанлик руҳидаги муносабатларни мисол келтириш мумкин.

Боя қайд этилганидек, аксарият мутахассислар иқтисодий интеграцияни кучайтириш мамлакатлар ўртасидаги ихтилофлар пайдо бўлмаслигига муҳим кафолат бўлади, деб ҳисоблайди. Бу — тўғри. Бироқ халқларнинг бир-бирини яқиндан таниши, тушуниб олишда маданий алоқаларнинг ҳам сезиларли таъсири бор. Ҳамиша бир халқ иккинчи бир халқни унинг маданияти ва маърифати орқали танийди. Бугунги ялпи иқтисодий бирлашиш йўлида бу алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, иқтисодий интеграция ҳеч бир халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, дунёқарашига дахл қилмаган ҳолда умумий қадриятларни шакллантиришни ҳам талаб этади. Бунга эса маданий ҳамкорлик орқали эришиш мумкинлигини ҳеч ким инкор этмаса керак.

Шундай қилиб, иқтисодий ҳамкорликдан сиёсий иттифоқ сари бораётган Европа ҳамжамиятининг қитъа Ғарбини бирлаштириш йўлидаги тажрибалари «совуқ урушдан кейинги дунёнинг бошқа минтақаларидаги интеграция жараёнлари жадаллашувига туртки бериши шубҳасиз. Бу яқинда мустамлака занжирларини ирқитиб ташлаган Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари раҳбарларининг ягона иқтисодий макон яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларида яна бир карра ўз тасдиғини топмоқда. Мазкур иқтисодий интеграция келгусида сиёсий интеграцияга айланиши учун минтақада етарли шарт-шароит мавжуд. Бинобарин, бундай бирлашиш минтақа халқларининг манфаатларига бирдай мос келади.

**Фахриддин НИЗОМ.**

# „ОҚ ОЛТИН" хирмонига

**1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 26 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**
(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

| Вилоятлар | бир кунда | мавсум бошидан | шу жумладан машинада терилган бир кунда | мавсум бошидан |
|---|---|---|---|---|
| Бухоро | 2.33 | 62.14 | 0,21 | 2.38 |
| Хоразм | 2.45 | 49.28 | 0.21 | 1.15 |
| Навоий | 2.81 | 48.33 | 1.36 | 7.28 |
| Сурхондарё | 2.30 | 44.31 | 1.33 | 13.80 |
| Самарқанд | 2.68 | 43.27 | 1.16 | 11.82 |
| Фарғона | 3.00 | 40.54 | 0.69 | 3.04 |
| Қашқадарё | 3.39 | 37.51 | 3.07 | 17.45 |
| Андижон | 3.35 | 37.43 | 1.07 | 2.94 |
| Наманган | 2.80 | 24.90 | 1.10 | 3.91 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1.84 | 19.30 | 0.38 | 1.49 |
| Жиззах | 2.25 | 15.35 | 1.78 | 6.45 |
| Тошкент | 2.39 | 15.14 | 1.51 | 4.71 |
| Сирдарё | 1.06 | 8.28 | 0.38 | 0.71 |
| **Ўзбекистон Республикаси бўйи...** | **2.52** | **34.13** | **1.17** | **6.27** |

## ИККИ ХЎЖАЛИК ЗАФАРИ

**● ҚАШҚАДАРЁ. Қамаши тумани пахтакорлари йиғим-теримни кучайтирган ҳолда марра сари дадил одимламоқдалар. Куни кеча икки илғор хўжалик зафар марраси эгалланганлиги ҳақида рапорт берди.**

«Фарғона» ширкатлар уюшмаси заршунослари 2800 тонна «оқ олтин» тайёрлашга муваффақ бўлдилар. «Қорабоғ» ширкатлар уюшмаси миришкорлари уйган хирмон эса 2 минг тоннадан ошди.

Хўжаликлар далаларида ҳали ҳосил мўл. Пахтакорлар уни сўнгги мисқолигача нобуд қилмай, қисқа муддатда саранжомлаб олиш учун йиғим-теримни жадал давом эттиришаётир.

**Ҳолмурод ҚОДИРОВ.**



# ҲИММАТ

**Республикамиз пахтазорларида йиғим-терим қизғин паллага кирди. Ана шу шарафли мавсумда юртимизнинг катта-ю кичик ҳар бир фуқароси баҳоли қудрат пахтакорга кўмак берсам, оғирини енгиллатсам дейди. Бундай ватанпарварлар Жиззах вилоятида ҳам анчагина.**

Шулардан бири Дўстлик туманлараро нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси раҳбари, Халқ демократик партияси аъзоси Дўстмамат Қодирқуловдир. Ёшлик йилларида пахта далаларида оддий ишчи, сувчи ва механизатор бўлиб ишлаган меҳнатсевар йигит бу йилги ҳосилга бой пайкалларни кўриб, беихтиёр кўнгли жунбушга келди. Қариб ўн йилдан буён «зангори кема»рулини тутмаган қўллари уни қўмсаётганини ҳис этди. Туманнинг «Дўстлик» ижара ширкатлари уюшмасидаги устахонага кирган эди, бир чеккада «ҳасса тояб» қилган териш машинасига кўзи тушди. Яқинроқ бориб қараса, рама устида қутисидан бошқа ҳеч вақоси йўқ...

Ишхонасига келиб, ходимларни йиғди. Операторлар — Нурмамат Тошқулов билан Тўлаш Сурхоновлар ҳам техника ихлосмандлари экан. Уларни юбориб, ўша ташландиқ терим машинасини корхона ҳовлисига олиб келтирди. Учовлон яхшилаб таъмирладилар.

Сўнг нима бўлди дерсиз? Ажабтовур терим машинаси пахтазорга йўл олди. Шу кунларда уни «Дўстлик» ширкатлар уюшмасининг «Тараққиёт» ширкати далаларида Нурмамат Тошқулов шитоб билан ишлатмоқда. Корхона раҳбари Дўстмурод Қодирқулов ҳам бўш вақт топди дегунча далага йўл олади, Нурмаматга дам бериб, механизаторлик хуморини босади. Ҳар гал хумор босиш эса, 6-7 тонна ҳосил териш билан ўтади. Шу тариқа икковлон ўтган беш кунликда 32 тонна «оқ олтин»» теришди. Машинанинг иш унуми эндиликда ҳар куни 7-8 тоннадан кам бўлмаётир.

— Пўлат этак билан 120 тонна пахта терамиз, — дейди Д. Қодирқулов.— Корхонамиздан ҳар куни ҳашарга чиқаётган 30 киши мавсумда бунга яна 30 тонна қўшади.

Халқимизда «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди» деган ҳикмат бор. Дарҳақиқат, шундай. Пахтакорларимизнинг бундай олийҳиммат кўмакчилари бор экан, манзил йўли қисқа, хирмонлари юксак бўлади.

**Норбобо ШАКАРОВ,**
**Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

**СУРАТДА: Дўстмамат Қодирқулов ва Нурмамат Тошқулов пахтазорда.**

• *Долзарб мавзу*

# «БИЗ ПАХТАКОР МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ»

**Саҳоватли диёримизнинг беғубор далаларида миллий бойлигимиз — пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан давом этмоқда. Миришкорлар пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг бирор мисқолини ҳам нобуд қилмай, ўз вақтида саранжомлаб олиш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар.**

**Бу йилги «оқ олтин»ни қайта ишлаш, уни сотиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада саноатчиларнинг масъулияти ўзгача. Уларнинг фидокорона меҳнати билан бир қаторда муаммолари ҳам етарли. Мухбиримиз шулар ҳақида «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи муовини Рустам ТУРОБОВ билан суҳбатлашди.**

**— Аввало, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси тузилгунга қадар республикамизда етиштирилган пахта хом ашёсини қайта ишлаш ва толани сотиш қай тарзда ташкил этилганлиги ҳақида қисқача маълумот берсангиз?**

— Пахта хом ашёсини қайта ишлаш бутун Марказий Осиё минтақасида бўлгани каби бизнинг республикамизда ҳам пахта тозалаш заводларида амалга оширилларди. Бунда пахтани тайёрлаш ва сақлашдан тортиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишгача бўлган пахтани дастлабки ишлаш билан боғлиқ барча ишлар мажмуи ана шу корхоналар зиммасига тушарди. Уруғлик чигитни тайёрлаш ва хўжаликларни уруғлик чигит билан таъминлаш ҳам ана шу соҳа вазифасига кирарди. Шу муносабат билан қайд этиб ўтиш керакки, хўжаликларга кредит ажратиш масалалари ҳам пахта тозалаш заводлари орқали амалга оширилларди.

Собиқ Иттифоқ тарқагач, пахта маҳсулотини сотиш билан 1990 йилнинг июнь ойида ташкил топган «Узглавлегснабсбит» ташкилоти шуғулланди. Заводлардан пахта маҳсулотларини сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш, шунингдек, уни истеъмолчиларга сотиш вазифасини шу ташкилот бажариб келди. Маҳсулотларни хорижий фирмаларга сотиш, бартер билан боғлиқ келишувларни амалга ошириш билан ҳам ана шу идора шуғулланди.

Республика Давлат режа қўмитаси ишлаб чиққан лимитлар маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузишга асос бўлиб хизмат қиларди...

**— «Ўздавпахтасаноатсотиш» давлат уюшмаси тузилгач, қандай ўзгаришлар рўй берди ва бу нималардан иборат?**

— Республика Президентининг 1992 йил 7 ноябрдаги Фармони билан «Ўзбек пахта саноати» РИБ ва «Ўзглавлегснабсбит» ўрнига пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш бўйича «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси тузилди.

Бу ташкилот бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ табиий қийинчиликлар тақозоси билан вужудга келди. Илгариги иқтисодий алоқалар узилган бир шароитда ҳам ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя этадиган, ҳам пахта маҳсулотлари қандай сотилаётганлигини назорат қилиб турувчи шундай бошқарув тизимига эҳтиёж катта эди.

Бугун «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси ана шу юмушларни муваффақиятли ҳал этмоқда. Пахта тозалаш саноатининг долзарб вазифалари, уни молиявий ва моддий-техника таъминоти, техника билан қуроллантириш, фан-техника тараққиётини таъминлаш, барча пахта маҳсулотларини сотиш масалалари уюшма томонидан амалга оширилади. Айни пайтда савдо тизимлари яхши шаклланмоқда. Ҳозирги пайтда истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилмоқда. Пахта маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоланмоқда. Ҳукуматлараро келишувлар асосида бутун бир минтақалар ва давлатлар билан ҳам шундай шартномалар тузилмоқда.

Соҳадаги ишларни ташкил этишнинг янги шакли афзалликларидан бири ҳозирги ўтиш даврида пахтани етиштириш ва пахта маҳсулотини сотиш юзасидан давлат монополиясининг сақлаб қолинганлигидир. Бу тараққиёт учун керак бўлган молиявий ресурсларга эга бўлиш учун зарурдир.

**— Ҳозир қандай мамлакатлар ўзбек пахтасини сотиб олмоқда?**

— Биз толани бевосита истеъмолчиларга эмас, воситачиларга сотамиз. Хорижий фирмаларга шартномада кўрсатилган муддатда тола сотишимиз учун тола сақлаш учун ёпиқ омборларимиз етишмайди. Бизнинг толамиз АҚШ, Англия, Германия, Жанубий Корея, Швейцария, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг воситачилари орқали деярли бутун дунёдаги фирмаларга сотилади.

**— Харидорлар толамиз сифатидан мамнунми?**

— Албатта, толамиз ўзининг сифати жиҳатидан жаҳон бозорида сотилаётган Америка толасидан қолишмайди. Хорижий мамлакатлар бизнинг толамизнинг сифатини мақташади.

**— Баъзилар республикамизда етиштирилаётган пахта ва ундан олинаётган тола сифати бошқа мамлакатларникидан паст. Шунинг учун пахта етиштиришни қўлайтириш мақсадга мувофиқ эмас, дейишмоқда. Сиз бунга нима дейсиз?**

— Ўзбек пахтасининг сифати хусусидаги бундай фикрлар мутлақо асоссиз. Буни Ливерпуль пахта биржасида пахта толасини шаҳодатлаш ишлари билан шуғулланувчи «Векфильд Иенспекшин сервайсиз Лимитед ЛТД» инглиз фирмаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Тадқиқот шуни тасдиқлайдики, 2- ва 3-саноат навларига мансуб тола нави ва таснифи бўйича бемалол халқаро бозорнинг юксак талабларини қондира олади.

Ўзбек пахтасининг сифати паст, деган уйдирмаларни бизнинг қимматбаҳо маҳсулотларимизни арзон-гаров олиб, сўнгра қимматга пулучун алданиб қолишлари, яъни толани арзон баҳода сотиб қўйиб, зарар кўришлари мумкин.

Менимча, толани биржа орқали сотиб, пулини хўжаликларга бериш керак.

**— Толамиз сифатини янада ошириш, жаҳон бозорига маҳсулот чиқариш учун нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?**

— Ишлаб чиқарилган тола сифати кўп жиҳатдан пахтани етиштириш агротехникаси, йиғим-терим сифатига боғлиқ.

Ҳозир республикадаги пахта майдонларининг 50 фоизидан кўпроғига тола кам чиқарувчи навлар экилаётир. Уларнинг хом ашёсини қайта ишлашда тола кўп механик таъсирга учрайди. Биргина шунинг натижасида республика бюджети ҳар йили 90 миллион сўмга яқин маблағдан қуруқ қолаётир. Навларнинг бир-бирига аралашиб кетишини ҳам ҳисобга олсак, зарар салмоғи бундан ҳам кўп бўлиб, чиқади.

Шунинг учун ҳам пахтачилигимизда бу масалаларни кечиктирмай ҳал этиш керак. Тўпланиб қолган муаммоларни ечишда деҳқонларга, хўжаликларга муайян ёрдам беришимиз зарур.

Агар бизнинг заводларимизга сифатли хом ашё келиб тушса, уни дастлабки қайта ишлаш борасида ҳеч қандай муаммо бўлиши мумкин эмас. Келинг, 50-йилларни эсга олайлик, ўшанда дастлабки қайта ишлашга ифослик даражаси 8,5 фоиз бўлган қўлда терилган пахта келарди. Кейинги пайтда бу кўрсаткич юқорилаб кетди. Шунингдек, толанинг сифат характеристикасида саралашган нав деган атама мавжуд эди. Ҳозирги шароитда эса бу мутлақо йўқ.

**— Фақат хом ашё, яъни тола сотиш билангина мақсадга эришиш қийин. Толадан жаҳон стандарти даражасида тайёр маҳсулот ҳам тайёрлаш керак. Уюшмада бу борада қандай ишлар қилинмоқда?**

— Сўзсиз, толадан тайёр буюмлар тайёрлаш катта фойда беради. Лекин шуни қайд этиш керакки, толани ҳар бир қайта ишлашда унинг баҳоси 1,5—2 марта ошади. Иккинчи томондан, ўзимизда ишлаб чиқарилган тайёр буюмлар Иттифоқ парчаланганидан кейин катта танқислик сезилаётган ички бозоримизни молларга тўлдиришга имкон беради. Шу муносабат билан тўқимачилик саноатининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш зарур. Бу ишларни амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш даркор.

Туркиянинг «Язекс» фирмалари билан ҳамкорликда Фарғонада, Хоразм ва Қашқадарёда пахтани қайта ишлашдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган комбинатлар қурилмоқда. Нукус шаҳрида шундай фабрикалардан бири ишламоқда.

**Суҳбатдош Каримжон РИХСИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.**

## ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

### ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ҲУЗДА ТУТИЛДИ

**● Эрон ва Туркия ҳукуматлари гиёҳвандликка қарши курашиш учун қўшма комиссия тузишга қарор қилди.**

Унда гиёҳванд моддаларни яширин йўллар билан ҳар икки мамлакат чегараларидан олиб ўтилишига йўл қўймаслик, қўлга тушган жиноятчиларни ўзаро алмашиш ҳамда бошқа хавфсизлик чоралари бўйича ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

### МУНОЗАРАЛАР БОШЛАНДИ

**● 26 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 49-сессиясида умумий снёсий мунозаралар бошланди.**

Мазкур анжуман халқаро ташкилот тарихидаги энг йирик тадбирлардан бири бўлиб қолади. Унда 39 давлат раҳбари, 18 бош вазир ва икки қирол, жами 184 мамлакат вакили қатнашмоқда. Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида биринчи марта мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ижроия котибиятининг делегацияси аъзолари ҳам кузатувчи сифатида иштирок этмоқда.

### ЕПИҚ ЭШИКЛАР ОРТИДАГИ УЧРАШУВ

**● Россия Президенти Борис Ельцин парламентининг палаталари раислари В. Шумейко ва И. Рибкин ҳамда ҳукумат бошлиғи В. Черномирдин билан Кремлда учрашди.**

Бу учрашувга матбуот ходимлари қўйилмади. Президент бундай учрашувларни кейинчалик ҳам ўтказиб туриш жоиз эканлигини таъкидлади.

### ҚИСҚАЧА БАЁНОТ

**● Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев Украинага расмий ташриф билан келди.**

У аэропортда қисқача баёнот бера туриб, яқин ўртада бўладиган икки ҳукумат раҳбарлари Борис Ельцин ва Леонид Кучма учрашувлари ушбу давлатлар ўртасидаги фойдали ҳамкорликнинг ривожланишига куч бағишлашини айтди.

### ЕЗУВЧИНИНГ НОМАЪЛУМ АСАРИ ТОПИЛДИ

**● Францияда XIX аср фантаст ёзувчиси Жюль Вернинг илгари номаълум бўлган романи топилди.**

Муаллиф ушбу асарида яқин келажакда метро қурилиши, автомашиналар ва электр стуллари пайдо бўлишини олдиндан айтиб берган. «Париж XX асрда» деб номланувчи 1863 йилда ёзилган романдаги воқеалар 1963 йилда юз берган.

### ҚРИМ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗ ФАРМОНЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛДИ

**● Қрим президенти Юрий Мешков илгари Олий Кенгаш фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳақидаги фармон ва буйруқларини бекор қилди.**

Қрим парламенти депутатлари ўз йиғилишларида ҳукумат ҳақидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишаётганда тўсатдан президент Ю. Мешков залга кириб келиб, баёнот учун сўз сўради ва юқоридаги фармонини бекор қилганини айтди.

### ЯШИРИН ЙЎЛ БИЛАН ҚУРОЛ СОТИШГАН

**● Молдовия Республикасининг Жанубий Яман давлатига «Миг-29» самолётларини яширин равишда сотганлиги фактлари айнан ҳақиқатдир,— деди Молдовия парламенти раисининг ўринбосари Н. Андроник чоршанба куни бўлиб ўтган матбуот конференциясида.**

«Барча давлатлар, шу жумладан қўшни мамлакатлар ҳам қурол сотишаяпти, — деб таъкидлади у.— Муҳими, қурол сотиш бўйича имзоланган битимлар халқаро қоидаларга зид бўлмаса бас». Жанговар техника сотилишидан тушган маблағ давлат бюджетига келиб тушди, деди парламент раисининг ўринбосари.

**(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**

• *Иқтисодиёт янгиликлари*

## БУВАЙДАЛИКЛАР ҒАЙРАТИ

**● ФАРҒОНА. Бувайда тумани пахтакорлари йиғим-теримда вилоят бўйича карвонбоши бўлиб туришибди. Кунига йиллик режанинг 3—3,5 фоизи миқдорида пахта тайёрланяпти.**

«Дўстлик», «Бувайда», «Янгиҳаёт» жамоа хўжаликларининг пахтакорлари марра сари дадил интилишмоқда. Бу хўжаликларда пахта тайёрлаш режаси 50 фоиздан ошиб кетди. Ҳозир А. Алиқулов номли жамоа хўжалигининг ХДП вилоят кенгаши аъзоси А. Дадабоев бошлиқ 17-бригадаси пахтакорлари туманда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекишди. Бригада пахтакорлари гектаридан 32 центнердан хирмон кўтардилар. Бу муваффақиятда Д. Ҳудойбердиев, К. Каримов, А. Эргашев, Ж. Абдураҳимова каби теримчиларнинг муносиб ҳиссаси бор.

**Зариф ШАРИПОВ.**

## ГАЗЛАШТИРИШ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

**Ғаллаорол туманидаги «Истиқбол» ширкатига қарашли қишлоқлар йил охиригача тўлиқ табиий газлаштирилади.**

Кейинги икки йил ичида 608 хонадон «зангори олов»дан фойдаланиш имконига эга бўлди. Жорий йил охиригача яна 300 хонадонга газ қувурлари кириб боради.

— Аҳолини табиий газ билан таъминлашда ширкатимиз жамғармасидаги маблағ муҳим ўрин тутяпти,— дейди ширкат раиси Тошпўлат Ўринбоев.— Шу кунгача қишлоқларни газлаштириш учун 138 миллион сўм сарфладик. Бозор шароитида хом ашёни бартер усулида қўшни мамлакатлардан оляпмиз. Қишлоқларимизни газ қувурлари билан таъминлашда «Жиззахгаз», бошқармасининг кўчма колоннаси қурувчилари яқиндан ёрдам беришяпти.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ.**

• *Турмуш чорраҳаларида*

**Дунё дунё бўлиб унга ҳеч ким устун бўлолмаган. Ундаги гиёҳ ҳам, барча мавжудот ҳам — омонат. Бағри қон лолага ҳам, буюк кашфиётлар эгаси одамзодга ҳам бир нафаслик муҳлат берилган. Аммо ҳеч бир кимса охир-оқибати недур билмагай. Минг афсуслар бўлсинки, кўпинча бу ҳақиқатни унутиб, мол-дунё талашамиз, ҳаёни йўқотиб, хиёнат йўлига кирамиз. Бир қоринда талашиб тушган ука акасининг жонига қасд қилади, рашки зўр куёв қайнотасининг бераҳмлигидан ҳалок бўлади.**

# ҚАБОҲАТ

...Аминбой акасининг эрталаб қаёққадир кетаётганини кўргач, товонидан миясигача нимадир зирқираб кетди. Кўзида ғазаб алангаланди, миясида қоронғу хаёллар чарх урди. Шу пайт унга тегишли юк машинасини жиянни ҳайдаб келиб қолди.

— Келганинг яхши бўлди, Азиз. Қани, нарироқ сурил, — деди Аминбой рулга шайланаркан,— бир Шофирконга бориб, майда-чуйда олиб келайлик!

Азиз рози бўлди. У амакисининг хаёлидан нима кечаётганлигидан бехабар эди. Аминбой йўлда бораркан, бугун нияти албатта, амалга ошишига иймон келтирди. «КамАЗ» Қувватон қишлоғига етганда Аминбой газни босди. Олдинда кетаётган енгил машина ортда қолди. Эрталаб бўлгани учун йўлда қатнов кўп, акасини бир илож қилиб ҳалиги енгил машинадан олиб тушса бас, қолганини ўзи эплайди. Шу хаёл билан машинани йўл чеккасида тўхтатиб, қўлбола яроқни олиб, пастга тушди. Шу пайт енгил машина ҳам келиб қолди. Аминбой тўхта, деб имо қилди. Машинанинг олдинги эшигини очиб:

— Қани, ака, тушинг, гаплашиб олайлик,— деди-да, зарб билан Шакарнинг елкасидан ушлаб тортди.

Азиз эса ҳайдовчига:

— Амакимизни ўзимиз элтамиз, сиз кетаверинг,— деди.

Енгил машина улардан узоқлаштач, оға-иниларни ораси очиқ қилишга шайланишди.

— Яна қайси идорага кетаётгандинг гапир! Тинч қўясанми, йўқми?

Аминбойнинг кўзи қонга тўлганди. У акасининг ёқасидан чап қўли билан маҳкам бўғиб, унинг пешонасига оғир темир билан урди. Сачраган қон Аминбойни баттар жазавага солди:

— Мана бу устимдан ёзганинг учун!

Яна акасининг миясига зарб билан туширди. Шакар жонсиз йиқилди.

— Нимага қараб турибсан, қани ол, машинага ортайлик!

Азиз амакисининг ғазабнок кўзига қарашга қўрқиб, мурдага ёпишди: зил-замбил. Улар аранг ўликни «КамАЗ» кабинасига олишганда, узоқроқда бир енгил машина тўхтади. Ундан тушган ҳайдовчи тинчликми, деган ишорани қилди. Аминбой ҳа, кетавер деб жавоб қайтаргач, қўлидаги қўлбола яроқни кузовга иргитди.

Машина ўт олди. Оёқ остида эса қотилларнинг жиргаргўшаси Шакар қонга беланиб ётарди. Йўл Ғиждувон туманидаги «Жилвон» давлат хўжалиги ҳудудига олиб борганда, Аминбой атрофга алангланди, қаршисида чуқур зоҳкаш кўринди. Машинани тўхтатиб, Шакарнинг жасадини зоҳкашга улоқтирди.

Ана энди у дунёда хат-қалам қилавер, ҳеч ким мушугингни пишт демайди, нокас!

Оға-ини қотиллар машина билан ортга қайтишди. «Кўк ча» давлат наслчилик хўжалиги ҳудудидан ўтган каналга келишганда тўхташди.

— Туш, ювиниб олайлик! Қўрқувдан ранги докадек оқарган Азизнинг тили калимага келмас, ҳамон кўз ўнгидан бети қонга беланган амакиси кетмасди. Гўё Шакар сенларни албатта менинг ҳуним тутади, қочиб қутулолмайсанлар, деяётгандек. Шу боис Аминбойнинг гапини эшитмаганди.

— Ўв, бунча сурат бўлмасанг, туш бўёққа, қон қотмасдан ювиб ташлайлик,— Аминбой шундай дея кийимлари билан канал сувига шўнғиди. Азиз ҳам унга эргашди.

Июнь ойининг бешинчи куни. Ҳаво дим. Қуёш қотилларни қуйдириб ташлагудек нур сочади.

— Яхши иш бўлмади, нима бўлса ҳам сизга ака, менга амаки эди,— деди Азиз кийимларини тикиштирган ёзаркан.—

Аминбойдан садо ҳам чиқмади, у оғир ўй тубида эди. Сувдан чиққач, ҳовури босилиб, хаёли жойига келганда, қилмишидан пушаймон, бармоқларига еб қўйгудек боқарди. Бирдан сапчиб ўрнидан турди. Машина кузовидаги қонли қўлбола яроқни сувга улоқтирди.

— Қани кийиндик, ўликни ортиб, ўзим мелисахонага бораман,— деб қатъий қарорга келди у.— Шунда айбим енгиллашар, а?

Икковлон зоҳкашдан мурдани олиб чиқиб, уни одеялга ўрашди, машинага ортишди.

— Энди, гап бундай,— деди Аминбой Азизга қараб,— сени йўлда тушираман. Сен бу воқеадан хабарсизсан, хўпми? Ҳаммасига ўзим жавоб бераман...

Хўш, қотиллар ким? Бу саволга жавоб ҳаммани қизиқтиради. Аминбой Холмуродов энди 35 ёшни қоралаган. У Шофиркон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшаган. Бухоро туманидаги 17-автобазада ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Акаси Шакар Холмуродов билан томорқа масаласида келишмай юрган. Акаси унинг устидан ёзган. Ўрталаридаги муносабат тобора бузилиб адоват, хусумат кучаяверди. Оқибатда акасидан ўч олишга жазм қилди. Аминбой бу ишга жиянни — Азиз Холмуродовни иштирокчи қилиб олган. Азиз энди 25 га тўлади. Амакиси билан бир жойда шофёрлик қилган, бўйдоқ.

Ҳа, эндиликда бир парча ер устида бўлган жанжалдан уч оила азоб чекяпти. Бир оила отадан ажралди, иккинчиси саккиз йилгача ота дийдорига зор. Учинчиси ҳали чимилдиқ кўрмаган йигит умрининг икки йилини ҳибсхонада ўтказиши керак. Бу қандай даҳшат, қабоҳатки, улар ўзларига ўзлари чоҳ қазишса?

# РАШКЧИ КУЁВНИНГ «Ж А З О»С И

Қаҳрамон уйига келса, ҳаммаёқ бўм-бўш: на хотинидан, на фарзандидан дарак бор. Кимдир унга хотини турмушга чиқиб кетганини айтди. Бу унга қаттиқ ботди. «Ҳаммасига ўзим сабабчи. Эр-хотин қўш ҳўкиз бўлиб оилани тебратолмадик. Топганимга улфатчилик қилдим. Баъзан ойлаб бедарак кетдим. Энди ҳаммасига чек қўяман. Эрга теккани ёлғон, икки бола билан кимникига сиғарди?»

Шу хаёллар билан у Ғиждувон тумани А. Ғиждувоний номидаги жамоа хўжалигининг Ўзанон қишлоғида яшовчи қайнотасиникига борди. Афсуски, уни хуш кўришмади. Совуқ қаршилашди. Қайси қулоғи билан эшитсинки, олти йил бир ёстиққа бош қўйган хотини Вобкентга турмушга чиққанига бир ҳафта бўлганмиш! Унинг қони қайнаб, қайнона, қайнотасигача ҳақорат қилди.

— Агар эрта кечгача хотинимни топиб келмасанглар, ҳаммангнинг таъзирингни бераман! Мана, паспорт. Ҳеч бўлмаса қизим Заринани олиб кетаман. Айтганим бўлмаса, ўзларингдан кўрингларр!

Эртасига кечқурун келса, хотини Норбегим болалари билан отасиникида ўтириб ди. Ҳеч нарса кўрмагандек. Қаҳрамон қайнотаси Иноят Ҳамидов, қайнакаси Исматлар билан бир шиша арақ ичди. Сўнг хотинини қўрқитиш мақсадида:

— Вобкентлик эрингнинг адресини берсанг, бир гаплашиб қўярдим,— у шундай дея киссасидан пичоқ чиқариб Норбегимнинг сочидан ушлади.— Ахир мен сенларни деб ишлаб келсам, бу нима қўргулик?

Ширакайф қайнота дарвоза олдида куёви яна ғалвани бошлаганини сезиб ичкарига кириб кетди. Бунгача Норбегимнинг акаси Исмат Қаҳрамонни дарвозадан ичкарига тортиб келди. Шу пайт сабр косаси тўлган қайнота куёвининг юзига болта билан урди. Қаҳрамон зарбдан эгилганда қайнотаси яна бир неча зарб туширишга улгурди. Қаҳрамон шу заҳотиёқ жон таслим қилди. Қотилларнинг уйи қишлоқ чеккасида бўлгани учун ҳам ҳеч ким бундан воқиф бўлолмади.

— Нима қилиб қўйдингиз, дада!

Бу Норбегимнинг мунгли овози эди. Улар саросимага тушишди. Ахири бир қарорга келишди: ҳеч нима бўлгани йўқ, ҳеч ким ҳеч нарса кўргани йўқ. Мурда ҳовли ўртасидаги томорқага кўмилди. Ўлим қуроли — болта, куёвнинг оёқ кийими тандирда куйдирилди.

— Эрта кечқурун тунда уни дафн қиламиз. Оғзиларингдан гулламанглар!

Бу эллик олти ёшли қотил отанинг фарзандларига даҳдаҳаси эди. Шу тун — 1993 йилнинг 14 август оқшоми бу оила аъзолари учун йилга чўзилган, қон ҳиди атрофни қоплаган тун бўлди. Норасида гўдаклар эса ухлаб қолишди. Ҳаётдан кўз юмган Қаҳрамон кафансиз, лаҳадсиз қўмилганича роппароса бир кеча-кундуз қайнотаси томорқасида сақланди.

— Тур, ўғлим! Вақт бўлди!

Иноят Ҳамидов ўғли Исматни турткилади. Мурдани тун оққандан сўнг ковлаб олиб, халтага солишди. Мотоциклга юклашди. Белкурак ҳам олдилар. Афсуски, йўлда улар милиция ходимларига дуч келишди...

Қотиллар жазосини олди. Лекин ҳар иккала оиладаги бегуноҳ гўдаклар қалбидаги жароҳатни даволаб бўлармикин?

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



**Агар врач ўз мутахассислигининг маълум йўналиши бўйича ихтисослашса, яхши натижаларга эришиши мумкин экан. Бунинг биринчи даражали ҳаким Раҳмонали Эркаев мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. У дастлаб Самарқандда, кейин эса Гуржистоннинг Тифлис шаҳридаги олий тиббиёт илмгоҳида таҳсил олиб юрган кезларидаёқ қулоқ, томоқ, бурун касалликларига чалинган беморларни даволашни назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганиб борди. Раҳмонали ака ҳозир Бешариқ шаҳридаги марказий поликлиникада эгаллаган ихтисоси бўйича меҳнат қиляпти. Ўз ташаббуси билан ташкил этган жарроҳлик хонасида хийла мураккаб операцияларни ҳам бажаряпти.**

**СУРАТДА: шифокор Раҳмонали ЭРКАЕВ.**

**Турғунали ҲОШИМОВ олган сурат.**

• *Мамлакат жарроҳлари анжумани олдидан*

# ХОСИЯТЛИ ТИҒ СОҲИБЛАРИ

**Тошкентда яна бир йирик анжуманни ташкил этишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу сафар мамлакатимиз ҳамда Ҳамдўстлик давлатларининг етакчи жарроҳлари ташриф буюрадилар. Улар юрак, қон томир, кўкрак ва ошқозон хасталикларини жарроҳлик йўли билан тиклашга бағишланган долзарб мавзу бўйича ўзаро фикр алмашадилар. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жарроҳлик илмий маркази директори вазифасини бажарувчи, тиббиёт фанлари доктори А. ХУДОЙБЕРГАНОВ билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат этди.**

**— Халқ ўртасида сўнгги сўз жарроҳга, деган ибора бор. Яъни хасталик аввал сўз малҳами, кейин доридармонлар билан даволанади. Шунда ҳам бўлмагач, тиғга қўл урилади. Тошкентдаги жарроҳлик илмий маркази собиқ иттифоқ, қолаверса Европада энг йирик тиббиёт масканларидан саналади. Жарроҳларнинг анжуманлари эса кўп йиллардан бери анъанавий равишда ўтказилиб келинмоқда. Бу сафарги йиғилишнинг аввалгиларидан фарқи нимада ва унга тайёргарлик, иш тартиби ҳақида гапириб берсангиз?**

— Биласиз, марказимизга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, иқтидорли олим Восит Воҳидов асос солган эди. Бу масканнинг дастлабки раҳбари ҳам у киши бўлган. Раҳматлик олимимиз 20 йил мобайнида мамлакатимизда тикланиш жарроҳлигини ривожлантиришга хусусан, юрак, томир, ўпка, меъда билан боғлиқ оғир хасталикларни нозик операция қилишни бошлаб берган эди. Бу галги йиғилишимизни у кишининг хотираларига бағишлаётганимиз ҳам шундан.

Анжуманда қарийб 20 йиллик илмий тадқиқотлар ва амалий ютуқлар ўзига хос сарҳисоб қилинади. Ҳозир жарроҳлик марказида 18 нафар фан доктори, 100 га яқин фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Бу даврда 26 докторлик, 135 дан зиёд номзодлик диссертациялари 10 мутахассислик бўйича муваффақиятли ёқланди. Мингдан ортиқ илмий ходим ва шифокор Марказий Осиё мамлакатларидан келиб ихтисослик бўйича малака оширдилар. Шунингдек, 40 та муаллифлик гувоҳномаси қайта ишланди. 40 дан ортиқроқ монография ва илмий изланишлар туркуми чоп этилди. Таъбир жоиз бўлса, марказимиз номи остида 60 дан кўпроқ конференция, симпозиум ва семинарлар уюштирилди ва уларда хорижий меҳмонлар ҳам иштирок этишди. Ўз клиникамизда йилига 5 мингдан ортиқ киши шифо топмоқда. Улар нафақат Ўзбекистон вилоятлари, балки Марказий Осиё республикаларидан келишади. Йил мобайнида 3,5 мингга яқин нозик операция амалга оширилмоқда.

**— Марказда инсон танасининг муҳим аъзоларини операция қилишда энг мукаммал техникалардан фойдаланиш борасида ҳам тажрибалар тўпланган бўлса керак?**

— Албатта ходимларимиз жарроҳлик борасида қўлланилаётган энг янги технологияларни жорий этиш, тиббий техникадан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қилишади. Жумладан, лазер нури, ультратовуш, микрожарроҳлик, рентгеноэндоваскуляр техникалардан фойдаланмоқдамиз. Шунингдек, биохимия, морфологиянинг энг замонавий усуллари қўлланилмоқда. Қон томирлари жарроҳлиги бўлимида эса нафас олиш аъзолари, хусусан бош мияни қон билан таъминловчи томирларга дахлдор касалликларга ташҳис қўйиш ва тикланиш жарроҳлигидан фойдаланиш муаммоларининг ечимлари изланмоқда.

Марказимизда микрожарроҳлик билан боғлиқ ишларда катта тажриба тўпланган. Жумладан, қўл панжаларини алмаштириш, ўрнига қўйиш, тиклаш, одам танасидаги баъзи қисмларга ўзгартириш киритиш, ноўрин жойлашган суяк бўғинларини созлаш каби нозик операциялар ҳам амалга оширилмоқдаки, бу ҳаммаси истиқболли изланишимиздан далолатдир. Айни пайтда инсон рухсоридаги камчиликларни жарроҳлик йўли билан бартараф этиш ё тиклаш каби «нафис» масалаларга ҳам қўл урилган.

**— Абдулла Маткаримович, навбатдаги тикланиш жарроҳлигига бағишланган йиғилишда кўриладиган масалалар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?**

— Бу сафарги жарроҳлар анжуманида мамлакатимизнинг хосиятли тиғга дахлдор барча илмий-тадқиқот институтларининг вакиллари, олий ўқув юртларининг кафедра ва бўлимларидан намоёндалар таклиф қилинган. Шунингдек, йиғилишда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан меҳмонлар таклиф этилади. Жумладан, Россия медицина Фанлари академияси жарроҳлик илмий маркази етакчи олимлари ўзларининг 20 дан ортиқ изланишлари ҳақидаги маълумотларни йўллашибди.

Жами 120 дан ортиқ ишланмалар кўриб чиқилади.

**— Фикрингизга қараганда, навбатдаги анжуман ўзига хос халқаро миқёс касб этадиган кўринади. Кези келганда жарроҳлик марказига асос солган, таниқли олим Восит Воҳидовнинг номини абадийлаштириш билан боғлиқ савобли ишларни амалга оширишда ҳам хайрли ишлар қилинаётгандир?**

— Халқимизда устоз отангдан улуғ, деган гап бор. Умуман, бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Тошкентдаги кўчалардан бирига у кишининг номи берилди. Энди биз жарроҳлик илмий марказини Восит Воҳидов номи билан юритсак қандай бўларкин, деган мулоҳазани ўртага қўймоқчимиз. Ўйлайманки, бу фикр кўпчиликка маъқул келади.

**Ҳайдар НОСИРОВ**

• *СПОРТ*

### ЯПОНИЯ САФАРИ

**● Бугун яким тунда Ўзбекистон спорт намояндаларининг катта гуруҳи Японияга йўл олади.**

Улар Хиросимада бошланадиган Осиё спорт ўйинларида иштирок этадилар. Кичик олимпиада деб юритилувчи бу спорт анжуманида истиқлол юртимизнинг юздан зиёд сараланган спортчиси илк марта мовий-яшил байроғимиз остида баҳслашадилар. Улар спортнинг 20 дан ортиқ тури бўйича астойдил мусобақалашиб, Ўзбекистон шарафини улуғлашга ҳаракат қиладилар. Ўйлаймизки, ёшларимиз парвоз олдидан Тошкент аэропортида тантанали равишда қабул қилиб олган Ватанимиз байроғини сарбаланд этишга интиладилар.

### ТАНАФФУС ОЛДИДАН

**● Ўзбекистон миллий чемпионати (олий лига)да 23 октябргача танаффус бўлади.**

Ана шу танаффус олдидан ўтказилган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Наврўз» — «Янгиер» — 2:1, «Атласчи» — «Политотдел» — 2:2, «Темирйўлчи» — «Нурафшон» — 1:0, «Чирчиқ» — «Сурхон» — 1:0, «Трактор» — «Сўғдиёна» — 1:3. Қолган ўйинлар кечиктирилди. «Нефтчи» 34 очко билан ҳамон пешқадам. «Нурафшон» 30 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. «Темирйўлчи» 29 очко билан учинчи ўринга кўтарилди.

### ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

**● Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари Осиё спорт ўйинларига тайёргарликни тобига етказиш мақсадида ўртоқлик учрашувлари ўтказдилар.**

Маълумки, терма жамоанинг «Навбаҳор» футболчилари билан учрашувида 2:3 ҳисоби қайд қилинган эди. Бош жамоамиз навбатдаги ўйинни «Сўғдиёна» футболчилари билан ўтказиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

• *Маъмурчилик манбаи*

# ИНСОФ САРИ БАРАКА

Бу савдо шохобчасига кириб қолган харидор пештахталарни безаб турган хилма-хил маҳсулотлардан кўз юмиб кетолмайди. Албатта, ниманидир харид этиб, ўз дастурхонини бойитгиси келади. Тошкент шаҳрининг «Бешёғоч» даҳасидаги «Бешёғоч» фирмасининг савдо шохобчаларидаги бу манзарага кўпчилик қўникиб қолган. Шунданми, кўпроқ ўз рўзғорини шу дўконлар орқали бутлагиси келади. Холис хизматгача шай сотувчилар билан муомалада бўлиб, улардаги очиқ-кўнгиллилик, ширинсуханликдан диллари яйрайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида оёққа турган фирманинг бунчалик шуҳрат қозонаётгани бежиз эмас. Хизмат кўрсатишни ўзларининг асосий муддаосига айлантирган ишбилармонлар муддаоларига етмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракати билан фирманинг «Ўзбекистон» миллий боғи, «Бешёғоч» деҳқон бозори, метронинг «Чилонзор» бекатидаги озиқ-овқат дўконлари хилма-хил маҳсулотлар билан бойимоқда. Туркия, Покистон, Хитой каби қатор хорижий давлатлардан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа жойларга нисбатан анча арзонлиги билан ўз харидорини тез топяпти.

— Хусусийлаштириш бизга катта имконият очди,— дейди фирма директори Баҳодир Каримов.— Хориж билан алоқа боғладик. Бунинг эвазига четдан келтирилаётган моллар зукко харидорни бефарқ қолдирмаяпти. Бу муносабатларни янада чуқурлаштириш, ишончли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун Англиянинг «АйДиВи Сентрал Эйша Лимитед» фирмаси билан шартнома туздик. Олис хориждаги ишбилармонлар бизни дунёга машҳур ичимликлар билан таъминлашга бажонидил ҳоҳиш билдиришди. Эндиликда Олмониянинг «Пукало», «Хенинги Хеллас», Испаниянинг «Виннис», «Лазер» фирмалари ҳам шундай хизматга шай туришибди. Уларнинг тақчил озиқ-овқат маҳсулотлари ҳадемай савдо шохобчалари орқали пойтахтимиз аҳолисига етиб боради.

Фирма ишбилармонлари тинимсиз изланишда. Улар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, хизмат соҳасини тобора кенгайтириб боришга эришмоқдалар. Фирма қошида очиладиган гўшт маҳсулотлари цехи ана шу изланишнинг мевасига айланади. Цехда кунига 1 тонна колбаса ишлаб чиқарилади. Унга кетадиган гўшт қўшни Қозоғистон Республикасининг Жамбул шаҳридан олиб келинади. Бу — фирмани тараққий эттиришдаги дастлабки қадамлар, холос. Олдинда шаҳарнинг бошқа туманларида ҳам янги шохобчаларни очиш режаси турибди. Фирма тадбиркорлари бунинг ҳам уддасидан чиқишади.

Фирма маҳсулотларига қўйилган устама ҳақ бор-йўғи 10—15 фоизни ташкил этади, холос. Бошқа жойларда бу 20—25 фоизга тўғри келади. Инсоф қилган барака топади, деб шунга айтадилар-да!

**Т. ЗОИРОВ.**

**Суратда: фирма директори Б. Каримов шогирдлари билан.**

# ШОИР НОМИ БЕРИЛДИ

**● ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Хива тумани савдо ҳиссадорлик жамияти ташаббуси билан шаҳарда ажойиб чойхона фойдаланишга топширилди.**

Барча қулайликларга эга бўлган, отахонлар ҳузур қилиб дам олишларига қулайликлар яратилган, миллий таомлар тайёрлашга имкониятлари бор бу чойхонанинг очилиши ўзига хос маросимга айланди. Оромгоҳга Муҳаммад Раҳимхон таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан «Феруз» номи берилди.

**Қурбон МУҲАММАДРИЗО.**

• *Қизиқ гаплар*

### ТОБУТДАН ТОВУШ

Белорусь қишлоқларидан бирига суратқашни таклиф қилишди. У хонага кириб, стол-стул ва тобутни кўрди. Стулга чиқиб, ўзига қулайроқ шароит яратиш мақсадида йиғилганларни тобут аралаш эсдалик учун суратга олишга чоғланди.

У иш орасида нечта сурат ишлаб берай, деб сўради. Шунда одамлар қолиб, тобутдан товуш келди: «Олтита етади, болагинам, олтита». Ранги ўчган суратқаш стулдан йиқилиб, ўзини кўчага урди. Кейинроқ маълум бўлишича, хонадон аҳли ўғилларини армиядан барвақт уйга чорлаш мақсадида, онанг вафот этди, деган маънода сунъий суратни унга юборморқчи бўлишган экан.

### ЭҲ, МУҲАББАТ...

Челябинск шаҳрида истиқомат қилувчи 30 ёшли аёл севганининг «олтин тогни» олиб бераман, деган ваъдасига учиб, чув тушди. Бирон ерда тайинли ишламайдиган бу кимса кутилмаганда: «Грузияга борсак, бахтиёр турмуш кечирардик», деб қолди. Муҳаббат ўтида ёнган аёл ҳам бу гапга лаққа тушиб, яшаб турган квартирасини ўн миллионга, тақинчоқларини беш миллионга пуллади. Топганларини товламачига ишониб топширди. У эса ана жўнаймиз, мана жўнаймиз деб, ўзи бедарак кетди.

### ШУ ҲАМ ОНА БЎЛДИ-Ю...

Тернопольский вилоятининг Кременец шаҳрида истиқомат қилувчи йигирма ёшли П. Ирина деган жувон ишдан тушлик қилиш учун уйга келди. Кутилмаганда кўзи ёриши вақти етганлигини сезди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас хонада мурғакнинг овози янгради. Яна ярим соатдан кейин Ирина пақирни олиб, унга чақалоқни солиб, устини газета билан ёпиб, ахлатхонага элтиб қўйди. Кейин ишга равона бўлди. Бундан хабар топган милиция онанинг изига тушди. У бўлса, эшикни ёпиб олиб: «Болани отасига олиб боринглар», деди ва собиқ эрининг манзилини айтиб берди.


ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.




BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зararлидир!





● 1994 ЙИЛ—ОИЛА ЙИЛИ

# ОНА БАХТИЁР БЎЛСА...

**Қадимдан Шарқ халқлари ўртасида аёлларга нисбатан ҳурмат, уларни эъзозлаш удуми мавжуд. Шу сабабли кейинги пайтда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳамда онла ва болаликни муҳофаза қилиш борасида республикамиз ҳукумати томонидан анчагина ишлар амалга оширилди. Ўз навбатида бу Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ходимларига ҳам катта масъулият юкламоқда.**

**Хўш, бу соҳада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Жамоатчи мухбиримиз республика прокуратураси умумий назорат бошқармасининг прокурори С. ОРТИҚОВА билан қилган суҳбатининг мавзуси шу ҳақда бўлди.**

**— Светлана Боймирзаевна, кейинги пайтда онла ҳамда болаликни муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди...**

— Иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар меҳнаткашларнинг барча қатламларида ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалаган бир вазиятда амалга оширилмоқда. Натижада Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиш тамойиллари босқичма-босқич рўёбга чиқарилмоқда. Лекин бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида айрим муаммолар юзага келаётгани сир эмас. Айни пайтда давлат идоралари, хўжалик ташкилотлари ҳамда меҳнаткашларнинг жамоатчилик асосидаги ташкилотлари ҳамкорликда иш кўрсалар муаммоларни муваффақиятли ҳал этса бўлади, албатта. Шу жумладан, республика прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси ходимлари ҳам айни кунларда хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳамда болалик ва оилани муҳофаза қилиш ҳақидаги қонуннинг ижросини изчил назорат қилиб бормоқда. Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, ходимларимиз қонунчиликнинг бузилиш ҳолатларини фош этишда фаол иш олиб бормоқдалар. 1992 йили прокуратура томонидан 10 минг 528 та текшириш ўтказилган бўлса, 1993 йилга келиб бу кўрсаткич 12 минг 538 тага етди.

**— Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтсангиз?**

— Навоий шаҳридаги 1-болалар боғчасининг маъмурияти шу болалар боғчасининг энагаси С. Комиловани ўз аризасига кўра ишдан бўшашга мажбур этишган. Лекин Навоий шаҳар прокурори бу ишга аралашгач, С. Комилова ўз вазифасига қайта тикланди ва бошқалар айби билан қолдирилган иш кунлари учун ҳам ҳақ ундириб берилди. Яна бир мисол. Боғдод тумани халқ таълими бўлимида котиба-машинистка бўлиб ишловчи Саида Ўринованинг фарзанди 1,5 ёшга етгач, қисқартирилиш сабабли ишдан бўшатилган. Бу ишга ҳам прокурор аралашгач, ҳақиқат қарор топди.

Яна бир мисол. Фарғона шаҳрида икки боласи билан истиқомат қилувчи Д. Баҳромованинг турмуш ўртоғи билан қонуний равишда ажралишганига анча бўлганди. Лекин у Д. Баҳромова ҳамда икки фарзанди истиқомат қилаётган уйни хусусийлаштириб олиш ҳаракатига тушади. Қизиғи шундаки, А. Баҳромовнинг янги оиласи борлиги ҳамда уй-жой билан таъминланганига қарамай Фарғона шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари буни кўра-била туриб, ўзини сезмаганликка оладилар. Охир-оқибатда Д. Баҳромовани 2 фарзанди билан кўчада қолиш хавфи туғилади. Фарғона шаҳар прокурори норозилик билдиргач, Фарғона шаҳар ҳокимининг ноқонуний қарори бекор қилинди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин кези келганда шуни айтмоқчиманки, хотин-қизлар, оила ва болаликни муҳофаза қилиш нафақат прокуратура ходимларининг, балки жамиятимиз келажаги учун қайғурган ҳар бир шахснинг муқаддас бурчи.

**Суҳбатдош Н. РАФИҚОВ.**


ДИҚҚАТ!

ТИЛ ВА КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Компьютерда ишлаш , инглиз тили ёки турк тилини ўрганиш бўйича курслар 10 октябрда очилади.

Курсларга қатнашмоқчи бўлган 8-9-11 синф ўқувчилари 1 октябргача рўйхатдан ўтишлари керак.

Имтиҳон 2 октябрда бўлади. Имтиҳонда мактаб программаси асосида саволлар берилади.

Рўйхатдан ўтиш учун 2 та сурат (3x4), табель ёки шаҳодатнома кўрсатилади.

*МАНЗИЛИМИЗ:* 700000, Тошкент, Пушкин кўч, 69-уй. (Ҳамид Олимжон метро бекати, Болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказининг 1-қавати)

Мурожаат учун тел: 33-34-22, 33-34-03.

«ЭЛ» ИННОВАЦИЯ ФИРМАСИНИНГ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА

Йилига 80-150 тонна карбид кальций ишлаб чиқарувчи электротермик ихчам ускуналарини

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Ихчам ускуна буюртмачининг номинал қуввати 1000 ампердан кам бўлмаган ВДУ, ТДФ ва ТДФЖ маркали трансформаторлар асосида тайёрланади.

1 кг карбид кальций ишлаб чиқариш учун оҳак — 1,2 кг, кокс — 0,55 кг, электр қуввати — 4,5 квт сарфланади.

Шартнома тузиш учун буюртмачи томонидан 5 кг миқдорида оҳак топширилиши керак.

**МАНЗИЛИМИЗ: 703004, Самарқанд шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 2-уй (Ф-автобуснинг «Озиқ-овқат техникуми» бекати), телефон: код (366-2) 37-23-77, 31-03-74.**


**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!**

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов туман кенгаши ижроия бюро аъзоси, «Мевазор» маҳалласи оқсоқоли Яҳё Ибрагимовга опаси**

**НУРИ АЯнинг**

**вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.**

**75-ихтисослашган бошқарма ва Тошкент тоғ-техника инспекцияси жамоаси инспекция бошлиғи А. Х. Рашидовга рафиқаси**

**Дилшодахон МУСАЕВАнинг**

**вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти жамоаси институтнинг ҳозирги адабий жараён бўлими бошлиғи, ЎзР ФА мухбир-аъзоси Салоҳиддин Мамажоновга акаси**

**Зиёҳиддин МАМАЖОНОВнинг**

**вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.**


МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖУРАЕВ, Шоҳосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.

Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.

Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.

Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.

Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.

Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.

Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.50
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, Э. ЭСИРГАДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6